

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ҚўША ҚАРИШ САОДАТИ



Тинч ва хотиржам оила қуриш учун оилада эру аёл бирдай ҳаракат қилмоғи керак. Эрнинг рўзгордан ортиниби ишлаши, кўча-қўйда ўқитмона бош кўтариб юриши учун ҳаммадан кўпроқ аёл ҳаракат қилади. Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани, "Жайрон" қишлоғида яшовчи Исоқ бобо Авазовнинг элу юрт ўртасида хурмат-эҳтиром топишида турмуш ўртоғи Шакар момонинг меҳнати анчагина. Исоқ бобо кўп йиллар Нишон темир йўл корхонасида навбатчи вазифасида хизмат қилди. Етти нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. Ўзининг 77 ёшини қаршилаган Исоқ бобо ва 70 баҳорни кўрган Шакар момо бугунги кунда беҳисоб наварою-чеварлар бағрида қарилик гаштини суришмоқда.



Ҳалима Тўраева

Қашқадарё вилояти

КўНГИЛДАГИ НУР БИЛГИН, МУСТАҚИЛ ВАТАННИ СЕН

Ота бўлишлик осон,
оталик қилиш қийин.
МАҚОЛ

Оилада, пок муҳит ҳукм сурсагина ҳар бир фарзанд кўзнинг нурига, кўнгилнинг гулига, ўтмишни унутмайдиган, келажакни яратадиган буюк инсонга айланади. Ҳўп, шу ишонч ҳар биримизда қанчалик муҳассамлашган, қай даражада бизни ҳаракатга солаётир, масъулиятимизни қанчалик англаётимиз? Шу ишонч ушалиши нималарга боғлиқ?

Муҳим санаганим учта омилни ҳукмингизга ҳавола қилмоқчиман:

Биринчиси. Ўғил-қизнинг феъл-атвори ота-онасига яқин бўлишини ҳисобга олиб: "Олма тагидан йироққа тушмас", дейди халқимиз. Фарзандларимиздаги ижобий фазилатларга ҳам, салбий хусусиятларга ҳам сабабкор ўзимиз! Шунинг учун "Ёмон болалар учун ота-онани ҳисоламоқ керак", деган донолар ҳикмати ҳаммамиз учун фарздор. Чунки болаларнинг ёмонлигига кўр-кўрона ҳаёти билан озиқ бераётган камми? Тор қарашлар, калтабин мўлжаллар, ҳавойи лаззатлар, тез ва оппа-осон бойишга интилишлар ила умргузаронлик қилаётганлар озми?

Миллатнинг келажакни яратувчилар - оналар экан, улар орасида иқтисодий қийинчилик сабабли чет элга бориб "мардикорчилик" қилиб келганлардан фарзанд қанақа ибрат олади? Танасини сотиб юрган хирсу ҳавас эгаси "кўча аёли"га айланганда-чи? Амалдор бўла туриб порага тўймаётган, ҳаромни юқодай ютаётганлардан фарзанд қанчалик меҳру муҳаббат кўради? Бозорларни деярли эгаллаган, ўзидан бошқани ўйламайдиган, пулга сажда қилувчи олибсотардан нимани ўрганади? Инсонни машинаси билан уриб ўлдирган, лекин

пул бериб жазодан қутулиб қолган, таралла-бедод яшовчи қорчалондан қанақа адолатни ўрганади?..

Ҳа, баракалла! Ҳулосангиз асосли: пок яшамасдан, пок ризқ-рўз билан фарзандни боқмасдан, оилада соғлом муҳит яратмасдан фарзандни жонга пайванд қилолмайсиз, одамийга айлантиролмайсиз.

Фарзанд тарбиялашдан аввал ҳар бир ота-она барча ҳаром саналган нарсалардан ўзини сақлай олиши керак. Таннинг закоти — рўза бўлса, покликнинг закоти — ҳалолликдир. Ҳалоллик дилингни мустаҳкам, тилингни бийрон қилди, умрингни рўй-рост ва ошкор кечирасан. Ҳақиқатни ёқлайсан, ҳимоя қиласан, маддоҳликни ва виждонсизликни рад этасан, ўзингга яқин йўлатмайсан. Шундай яшаш билангина фарзандингни тубанликдан асрайсан, чунки "ҳалолликдан юз ўгирган, оқибат натижада ҳаётнинг нопок йўлларида юришга одатланиб қолади". Нопок одам алал-оқибат фарзандини, қавму қариндошларини, маҳалласини, миллатини юзини ерга қаратади, уларнинг эртасини барбод этишга бел боғлаган бўлади.

Демак, кўнгил (рух)нинг пок бўлиши ҳар бир инсоннинг мақсади, амали бўлсин. Ислоҳ дилиннинг поклик учун туғилганининг боиси ҳам шундан: Муслмоннинг кўнгли ёмон хулқлардан ва ёвуз фикрлардан, таомни ҳаромдан, жисми, кийими, безаги, хонадони, ери, юрти пок бўлмоғи шарт. Ана шундагина ҳалоллик инсоний ҳислат ва фазилатларни кўпайтиради, комилликни юзага чиқаради: гўзал хулқ-атвор, гўзал муносабат, гўзал маърифат, гўзал тарбия, гўзал ибрат... воқеъ бўлади. Кўрнамак ва диплозлар, золим амалдорлар, хирсу ҳавас бандалари дунёсига ўт кетади.

Иккинчиси. Қуръони каримнинг "Балад" сурасининг тўртинчи оятида "Дарҳақиқат, биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик", дейилади. Бу ҳақиқат. Фарзандларга (ёшига, кучига, қобилиятига қараб) меҳнатга ишқ қўйишларини ўргатиш, таъминлаш зарур. Ҳақиқий бахт меҳнату машаққатдан бунёд бўлишини кўрсатиш орқали тўғри тарбия бериш мумкин. Шу сабабдан ҳам америкаликлар ўз фарзандларига ёшлигидан "кисса харжи" учун керак бўлган пулни меҳнат орқали топишга изн берадилар. Меҳнат орқали келган пулнинг қадри ҳам баланд бўлади.

Бизнинг топармонлар эса, фарзандларининг хоҳиш-истагидан-да, ошириб пулни бераверадиладар; уларнинг янги-янги "қилиқ"ларини пул билан сийлайдилар...

Ҳолбуки, меҳнату машаққат чекмасдан яшаган — ясама гулга ўхшайди: кўриниши гўзал, одам сиёқи бор, лекин инсонийлиги йўқ. Ўзида йўқ нарсани ўзгада кўрса гаранглиги кўзгади, тайёрга айёр туради, бугунининг завқини, хурсандчилигини ўйлаб яшайди. Ўзини янги ва янада кучлироқ хузуур-ҳаловатга уради, охири оқибат "оқ ўлим" — героинга дучор бўлади. Героин эса инсон қонига киргач, жонни ҳалокатга, ўлимга етаклайди. Унинг томирида қон эмас, заҳар оқа бошлайди. Шу сабаб ота-она ва она юрт ҳаётини заҳарлай бошлайди.

Меҳнату машаққатгина одамни тоблайди, ғам андуҳларини, муҳтожликни, қийинчиликларни сабр ила енгишга ўргатади. Эртага ишончини мустаҳкамлайди, иймону эътиқодни байроқ қилади.

Учинчиси. "Арқонга — қил қувват", дейди халқимиз. Демакки, ҳар биримизнинг умримиз, тақдиримиз, меҳримиз, садақатимиз, мардлигимиз, жасоратимиз ва меҳнатимиз

бош масалада бирлашсагина, яратилган бахшида бўлсагина, ирмоқлар йиғилиб ҳаётбахш дарёга айланганидек истиқлол ила ёнган Ўзбекистонимизнинг келажакни порлоқ ва гўзал диёрга, халқимизни меҳмондўст ва ижодкор, кашфиётчи ва донишманд миллатга айлантира оламыз. Истиқлол тақдирини ўз бахтимизни топамиз. Шу сабаб, Ўқтам Мирзаёров ёзганидек:

**"Кўнгилдаги нур билгин,
Мустақил Ватанни сен.
Осмондаги офтоб бил,
ердаги моҳтоб бил,
Тўмарису Широқдай
вуҳудда оққан қондан
Кўнгилга Ватан қурғил,
кўнгилга ватан қурғил..."**

Бу бахт, даставвал, ҳар биримизнинг инсонийлигимизга, унинг асоси, меҳвари бўлган меҳру оқибатга боғлиқ. Инсонга меҳр, унинг ҳаёт тарзини яхшилашга интилиш маънавиятнинг асосидир. Ҳа, меҳру муҳаббатдан қадр-қиммат ҳам, эъзозлаш ҳам, ғамхўрлик ҳам, ғурур ҳам, виждонийлик ҳам юзага чиқади. Файриинсоний туйғуларга зарба ҳам шундан туғилади.

Демак, бир-биримизга меҳру муҳаббатли бўлиш, бир-биримизни эъзозлаш ва асраш ҳислатларимизни яратиш ишига сарфлашимиз лозим. Ана шундагина Истиқлолимизнинг Моҳиятини — гўзаллигини кўрамыз: Бир-бирига одобли муносабатда бўлаётган, қадр-қимматини эъзозлаётган, ноҳақликка қарши бирлашиб курашаётган, топширилган ишларга тўла масъулиятли, уни виждонан бажараётган, завқу шавқ билан яшаётган яхши одамлар жаҳиятини тўла ҳуқуқли ва ардоқли аъзоси бўламиз. Она-ватан, она-замин шаънига муносиб, тўла инсоний ҳаёт билан умр кечирувчи фаол инсон бўлиб яшаймиз ва шундай яшаш кераклигини фарзандларимизга юқтирамыз.

Ҳотам УМУРОВ,
профессор

Соғлом турмуш — соғлом авлод гарови

Бир дугонам иккинчи ўғлини дунёга келтириш арафасида жуда қийналди. Шифокорлар унинг яшаб кетишидан мутлақо умидларини узиб қўйишди. Аммо аёлнинг жони тошдан экан. Тиббийёт ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли она ва боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Шифокорлар дугонамга бошқа (унинг қон босими баланд эди) фарзанд кўриши мумкин эмаслигини тушунтиришди. Йиллар ўтиб фарзанди улғайгач, турмуш ўртоғи

салбий таъсирлари жуда кўп. Абортдан сўнг бачадон ҳамда тухумдон яллиғланиши каби асоратлар кўп учрайди. Бундай ҳолатлар она организмнинг нерв системасига салбий таъсир қилади. Исталмаган ҳомиладорликдан сақланиш учун аёлларимиз замонавий усуллардан фойдаланишга яхшироқ бўларди. Аёлларни контрацептив воситалар билан таъминланиши бепул

нинг 2002 йил 25 январь 32-сонли «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги дастурлар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда Республикада тиббиёт муассасаларида шу дастурлар бўйича талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Мактабларимизда қизларимизни соғломлаштириш мақсадида режа асосида тўлиқ тиббий қўриқлар ўтказилади. Улар шаҳар диагностика марказида текширувлардан

ФАРЗАНД КАМОЛИ — ОТА-ОНА ИҚБОЛИ

Дардим тақозоси билан «Оқтош» оромгоҳида дам олишимга тўғри келди. Каттаю кичик, аёлу эркак, болаю чақа турфа хил кимсалар республикамизнинг турли вилоятларидан дардига шифо излаб келган бу масканга. Одатда жамоат ичига кирганингда атрофидagi кимсаларнинг ким эканлиги, бошқаларга муносабати, юриш-туриши, ўзига мос кийиниши унинг қандай инсон эканлигини яққол кўрсатиб қўя қолади. Тушлик пайтида тамадхона атрофига тўпланишгаётган теварак-атрофдан дам олувчилар бир-бири билан гурунглашиб келаётган эди. Шунда бир неча бўйга етган қизлар ўзбекчилик удумимизига мос келмайдиган тор-тиғиз, очик-сочик (бели билан қорни очик — майка, калта шим) кийимларда ўтиб бораркан, бир чеккада ўтирган ёшроқ йигитлар уларга бошдан оёқ тикилишар, кексароклари эса ғазаб билан боқиб шарди.

— Шундай қизларни бувилари, ойиси бормикан? — деди кесатиб бир ёш аёл.
— Эҳ-ҳе, қайларда қолдйкин-а қизларга хос азалий ҳаё, иф-фат? — дея нолиди бир кампир.
— Турки-тароватинг курсин! — тўнғиллади бошқаси.
Ҳақиқатан ҳам, бу ҳолга назар ташланса потукдеккина, бир кўрса яна кўришни орзу қилса арзийдиган, яқин қўнларда ўзга хонадонга узатилиб, «палак отиши» керак бўлган қизларнинг «та-скара» кийимда юриши ўзбекчилик удумимизига доғ туширади, бугина эмас, энг муҳими, ўша қизлар бахтига тўсиқ бўлиши табиий.

Дам олиш масканида 30-40 ёшли аёлларнинг айримлари ҳам қизлар «ўрнат оладиган» тарздаги кийимларда, киши ғашига тегадиган алпозда юришибди-я.
«Замонавий» киз бўлиш учун шундай беҳаёларча кийиниш шартмикан? — дея ачинасан киши. Ярашқили либос ҳам хусн, кўркамлик бағишлайди лобар қизларимизга. Бугина эмас, қизлардаги андиша, ҳаё, жозибалиликни белгилловчи омиллардан бири — айнан одоб билан кийинишдан иборат.

Бас, шундай экан, бу масалага аввало оилада алоҳида эътибор қаратилса яхши бўларди, бизнингча. Чунки ҳар бир фарзанд ҳақида маълумотлар бериб берилмоқда.

Республика ва вилоятлар оммавий ахборот воситалари орқали ҳарбий ватанпарварлик, миллатлараро тотувлик мавзусига оид «Ватан ўғлонлари», «Садоқат туйғуси», «Йигит бурчи», «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч», «Ватан посбонлари», «Ҳеч кимга бермаймиз сени — Ўзбекистон!» каби мавзуларда маколалар чоп этилиб, махсус кўрсатувлар ташкил этилди.

Ҳарбий қисмлардаги тартиб-интизом неча йиллардан буюн долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Интизомни яхши-

оиланинг кўзгуси саналади. Оиладаги тарбия салмоғи фарзандларнинг хатти-ҳаракати, кийиниш ва тил одобида намоён бўлади. Зотан, доно шоирамиз Турсунои Содикова «Болам дерман» рисоласида фарзандларимизга муурожаат қилиб: «Ён-ёруғ юзингда юзимни кўрай! Аммо бил: бахт сенга тухфа қилиб берилмайди, йўл тегиб унинг қоши, ўзинг борсан!» —

дея хитоб қилишида юз бора ҳақ.

Ҳа, ҳар бир фарзандимиз бахтиёрлигини кўриш биз ота-оналарга насиб этиши учун уларни ўз билганича иш қилишига ташлаб қўйсақ дилўртар ҳолларга тушиб қолишимиз аниқ. Қизларимизнинг камолига фақат оиладагилар эмас, қариндош-уруғлар, маҳалла-қўй ҳисса қўшиб ашаса, кўнглидагидек бўларди. Зотан: «Бир қизга етти қўшни она», нақли бежиз айтилмаган.

Айни чоғда маҳалла фаоллари йиғилишлари: оналар ва қизлар билан биргаликдаги ва алоҳида тадбирлар жараёнида «Киз хусни», «Ярашқили либос ҳам қизни севимли қилади», «Киз одобни», «Одоб — инсон безаги», «Ҳаё ва ибод — зийнатинг» каби мавзуларда суҳбат ва баҳслар уюштириш қизлар камоли ва жамолини таъминлайди.

Ҳаммамизга аёнки, фарзандлар камоли — ота-она ихлоли. Яна шуни таъкидлаш лозимки, она уйда эркинликда бачкана кийимлар кийишга одатланган ёш келинчақлар қайнона насиҳатига кўнмай қўяди ва ўртада дилхираликлар келиб чиқиши табиий.

Бир ёш қайнона келинига она-си сарпода юборган ўхшовсизроқ шим ва кофтини хуш кўрмай: «Боложоним, бу кийимингизни кўпчилик орасида кийманг», деса, «Бундан бошқа яхши кийимим йўқ», — дея туриб олибди.

Яхшиямки, ўша қайнона келиннинг терс гапидан ранжи-са ҳам, ҳозирча унга оғирроқ бир гап айтилмайди.

Азиз бувижонлар, онаизорлар қизларимиз бахти билан қувониб яшаш насиб этиши учун, унинг тараддиси киз боланинг ёшлигидан бошласак оғзимиз қуйиб қолмасди.

Афифа ХАСАН ҚИЗИ

БЕФАРҚ БЎЛМАНГ



бўлиб; мамлакатимиздаги барча шифохона, тиббиёт муассасалари, ҳатто энг узоқ қишлоқ пунктлари ҳам контрацептивлар билан тўлиқ таъминланган.

Бўлардан: 1) бачадон ичи воситаси. 2) Орал контрацептивлар. 3) Инъекцион контрацептивлар. 4) Резина махсулотлари мавжуд. Шу билан бирга кўп йиллардан буюн икитерий жаррохлик методи ҳам қўлланилиб келинмоқда. Бу метод лапароскопия аппарати орқали қилиниб, жуда ҳам қўлай бўлиб, унинг ҳеч қандай асорати йўқ. Бу метод кўп туққан, экстрагенитал касалликлари бўлган, яъни юқоридаги контрацептив воситаларни истеъмол қилиш мумкин бўлмаган аёлларга жуда қўлайдир. Ушбу восита эр ва аёлнинг икитерий розилиғи билан амалга оширилади. Агарда аёлларга ушбу метод қўл келса, марҳамат қилиб аёллар шифокорига муурожаат қилишсин. Биз бажонидил уларга керакли маслаҳатлар бериб борамиз.

Оилада неча фарзанд туғилиши ҳар бир ота-она ўзи ҳал қилади. Аммо мен ҳар бир онадан фақат соғлом фарзанд туғилишини, унинг соғлом фикрли бўлиб ўсишини жуда-жуда хоҳлар эдим.

Бунга эса авваламбор қизларимизни, оналаримизни соғломлаштириш йўли билан эришамиз. Бунга ҳам давлатимиз томонидан катта эътибор берилиб, «Балоғат даври», «Соғлом авлод», «Она ва бола» Давлат дастурлари, Вази́рлар Маҳкамаси-

ўтказилади, касалликлари топишган қизларимиз эса амбулатория ва ўсимир қизлар шифохоналарида даволанадилар.

— Бу борада Бектемир туманида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда маҳалла фахрийлари билан ҳамкорликда ҳафтанинг ҳар жума кuni маҳаллаларга бориб, аёллар билан мулоқотлар олиб борамиз. Кунчи кеча «Зилола», «Мажнунтол», Олим Аширов номидagi маҳалла аёллари ҳузурида бўлди. Хотин-қизлар билан суҳбатлашди хали ҳам аёлларнинг ўз соғлиқларига анчайин бефарқликлари амин бўлди. Чунки уларнинг баъзилари ҳукуматимиз томонидан бепул тарқатилган дори-дармонларни шифокордан талаб қилиб олишни ҳам билишмайдди. Баъзи аёллар ҳомиладор сақланишининг айрим усуллари (спирал) ёқмайди. Натижада улар камқонлик ёки сурункали қон босими касаллиғи асоратлари билан ҳам бемалол яшаб юраверишди.

Халқимизда қизик бир одат бор. Бирон хонадонга келин тушган орадан 2 ой ўтиб-ўтмай қайнона-қайнотадан тортиб, қўни-қўшиначи келиннинг хомилиси борми, йўқлигидан илҳақ бўлиб юришди. Ҳатто қайноналар келин бечорани тезроқ фарзанд кўришга ундашди. Келин бечоранинг вужудида фарзанд кўришга бўлган орзу-умид эмас, ноихтиёрий зўриқиб ҳукмронлик қилади. Келиннинг соғлиғи яхшими, у бола тарбиялашга тайёرمи, йўқми бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ. У тезроқ бола туғиб берса бас. Шунинг учун қайноналаримиздан энг аввало келинларнинг соғлиғига безътибор бўлмасликларини илтимос қиламан. Шунда улар ўз оналик бурчларини одилона бажарган бўлишди.

— Суҳбатингиз учун ташаккур. Аёллар саломатлигини яхшилаш борасидаги ишларингизга ривож тайлаймиз.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА
суҳбатлашди

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

«Ўзбекистон республикаси ҳарбий қисмларидида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни бажариш учун Республика хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган доимий фаолият кўрсатувчи комиссия томонидан 2002 йилнинг 6 ойи давомида олиб борилган ишлар ва келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош Вази́р ўринбосари, Республика Хо-

тин-қизлар кўмитаси раиси, комиссия раиси Д. Ғуломова кириш сўзи билан очди.

Ўтган 6 ой давомида жойлардаги комиссиялар хотин-қизлар кўмиталарининг кўмагида маҳаллаларда, ҳарбий қисмларда, олий ўқув юртлирида ва мактабларда муайян ишлар амалга оширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари қошидаги комиссия аъзолари ҳарбий қисмларда аскарларга яратилган шарт-шароитлар, зобитларнинг турмуш шароитлари ва уларнинг

оилавий ахволи билан таъминдилар, суҳбатлар ва учрашувлар ўтказдилар.

Бўлиб ўтган йиғилишларда жойлардаги комиссиялар томонидан ҳарбий қисмларда, оддий аскарлар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, саломатликларини муҳофаза қилиш, ҳарбий қисмларда, маҳаллаларда, ўқув юртлирида олиб борилаётган ишлар ҳамда комиссия аъзоларига юклатилган вазифалар қай даражада бажарилаётгани

АХБОРОТ

ҳақида маълумотлар бериб берилмоқда.

Республика ва вилоятлар оммавий ахборот воситалари орқали ҳарбий ватанпарварлик, миллатлараро тотувлик мавзусига оид «Ватан ўғлонлари», «Садоқат туйғуси», «Йигит бурчи», «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч», «Ватан посбонлари», «Ҳеч кимга бермаймиз сени — Ўзбекистон!» каби мавзуларда маколалар чоп этилиб, махсус кўрсатувлар ташкил этилди.

Ҳарбий қисмлардаги тартиб-интизом неча йиллардан буюн долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Интизомни яхши-

лаш учун аввало хизматдаги аскарларнинг маънавиятини ошириш керак, деб ўйлаймиз. Баъзи бир илғор маҳаллаларда аскарликка жўнаётган йигитларга маҳалла оқсоқоллари томонидан тавсияномалар бериш йўлга қўйилди. Бу ҳам ўзининг яхши самарасини бермоқда.

Ушбу йиғилишда ўтган 6 ой давомида Республика комиссияси томонидан олиб борилган ишлар таҳлил қилиниб ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар режалаштириб олинди.

Н. ЙЎЛДОШЕВА

ҚАЙНОНАЛАР МАКТАБИ



Кува шахридаги ораста хонадонлардан бирида Ахроровлар oilаси яшайди. Қайнона бўлиши Мўстабар опа келганки кишини гулдек табас- билан қутиб оладилар. Келин- ҳам шундай. Назаримда улар ҳар қадамда қайнона — ойижонлардан андоза олишади.

Келинларни изимга солиб, талабчанлик билан иш ўргатганман, дейди Мўстабар опа майин жилмайиб. — Жон қизларим, дедим уларга, биласиз, дадангиз икковимиз бир умр дўхтирлик қилганмиз. Жони оғриб қолган кишилар, қўни-қўшнилари эрта-кечми ҳамон ёрдам сўраб уйимизга кириб келиш-веради. Ана шундай пайтда биз уйда бормизми, йўқмизми ҳеч оғринмай, очик чехра, ширин сўз билан қутиб олинг.

Шукр, келинларим ақлли-хушли. Талабларимни айтганимдан зиёда қилиб бажаришади.

Сизга шуни айтгим келади-ки, аввало келин танлашда асло шошмас- адашмаслик керак. Бу борада турмуш ўртоғим Мирзали Ахрорович жуда ақлли иш тутдилар. Авало у кишининг дўстлари кўп эди. Яқин-яқин дўстлари билан узоқ йиллар борди-келди қилиб, уларни обдон сынаб, кейин қизларини келинликка танладилар. Уч нафар келинимиз, битта куёвимиз бор. Қудаларимизнинг ҳаммаси Мирзали Ахроровичнинг дўст-қадрдонла-ри, ҳозир эса қудаларимиздир.

Ҳеч қайси қиз оила, рўзгор иши-га тап-тайёр бўлиб қўлингизга кел-майди. Бундан ташқари ҳар бир

КЕЛИН ТАНЛАШДА ШОШМАСЛИК КЕРАК

оиланинг ўз иш тутуми, йўл-йўриги бор. Ана шунинг учун ҳам сабр-тоқат, кенг юрак, кенг феъллик билан уларга ўргатиш зарур. Масалан, энг катта келиним Гўзалхон олий маълумотли, ота-онасининг тарбиясини олган, зийрак қиз. Барибир, қўлимга келгач, келинликнинг вазифалари-ни, рўзгор тутишни, келди-кетдига муомалани, кейин эса бола тарбия-сини бирма-бир ўтатдим, ёрдам бердим. Бу борада аввало ўзим ўрнак бўлдим. Ҳар бир қадамни ўйлаб босиб, ҳар бир гапни ўйлаб гапирдим. Ҳар қадамда меҳримни ҳеч дариг тутмадим. Мабоодо ўзини ё боласининг тоби қочиб қолгудек бўлса, жонимни бериб қарадим. Ёқутхон, Ферузахон келинларим келишгач эса кўпроқ Гўзалхон уларга худди ўзимдай етакчилик қилди. Айниқса, Мирзали Ахрорович уч келин-нинг ақил-тотув бўлишини, болалар-нинг ўртасига тушмасликини ётиги билан, ҳикоятлар билан айтиб тушун-тириб қўйдилар. Келинларнинг ту-ғилган қўнларида табриклаб, ўз қўллари билан ош дамлардилар ҳар-гал. Мана, икки йилдирки Мирзали Ахрорович ораминда йўқлар. У киши 63 ёшда тўсат-дан вафот этдилар. Келинларимнинг қўгани-ни кўрсангиз эди. Бутун Кува халқи куйди бу кишига. Қирқ йил жар-роҳлик қилиб, жуда катта обрў-эътибор толган эдилар-да, раҳматлик!

Ҳозир келинларим ме-нинг жон малҳамим, ми-соли ота-онам, масла-хатгўйим, яқин дўстим, суянчигим. Шукр, уччо-ви ҳам олий маълумот-ли, уччови ҳам ишлаша-ди. Эл ичида обрў-эътиборлари бор. Гўзалхон келиним богча мудираси, болалар би-

лан ишлайди. Бу борада ҳам масла-хатимни олиб туради. Ёқутхон тар-биячи, Ферузахон шифокор. Ҳа, бу-лар ишлайдилар-у, лекин уй ишла-рини ҳам, бола тарбиясини ҳам ўрнига қўйиб қўйишади. Мен доим уларни мактасам: «Ойижон, ҳамма ишимизга ўзингиз мураббийсиз. Сизнинг мактабингизда ўқиганмиз. Раҳмат сизга!», дейишади, миннат-дор бўлиб.

Мана энди келинлар билан бирга-ликда набиралар тарбияси билан шуғулланаяпмиз. Қизим Дилфузахон, ўғилларим Бахтиёржон, Баҳодиржон, Зафаржонлар ҳам дадаси каби эл суйган, ҳурмат толган кишилар.

Ҳа, мен ҳеч қачон болаларимдан, келинларимдан гина-қудурат қилмай-ман. Бунга ўрин ҳам йўқ. Япониянинг «Ошин» телефилмидаги Ошиннинг сўзини қаранг: «Бировдан хафа бўлишдан олдин уни тушунишга ҳара-кат қиламан!», дейди у. Ошин шун-чалар ақлли, инсофли қизки, бош-қалар уни хафа қилган тақдирда ҳам сабабини аввало ўзидан излайди. Ҳар бир қайнона ана шундай хусу-сиятга эга бўлса — олам гулистон!

Санъат МАХМУДОВА



— Мен беш ўғил, беш келиннинг, бир этак набираю чеварларнинг бахтиёр онаси, буюйсман. Қизим йўқ, деб ҳеч қачон ўқсимайман. Шукр, келинларим жуда меҳрибон. Ўзат-ҳурматимни жойига қўйишади, дейди Тошкент шаҳрининг Янги шаҳар маҳалласида яшовчи онахон, Республика Халқ маорифи аълоҳиси (чапдан биринчи) Саодатхон Меликулова.

СИЗГА БАРДОШ ТИЛАЙМАН, ОНАЖОН!

Онаизорим! Нафақат қалбимга, балки умрим-га қуйилаётган меҳрин-гизга лойиқ бўла олам эди, ўзимни дунёда энг бахтли инсон деб сана-ган бўлардим. Нуруний чехрангизни ҳар тонг ой-дек омон кўрмоқлик мен учун бахт, азиз бахт. Ум-рингиз узоқ, жонингиз омон бўлишини Оллоҳ-дан сўрарканман кўзла-рим ёшга тўлади. Чунки сизгинамдан бошқа ду-нёда бир меҳрибоним йўқ, сиз яёнамиз. Кун-

да кўксингизга бош қўйгим, босган ҳар бир изларингизни кўзларимга суртгим келади. Қани энди қадоқ кўлларингиз-га мадор бўлиб фарзанд доғида қўйган дилин-гиздаги ғуборларни юва ол-сам. Ўқсик дили армонли, дунёнинг аччиқ-чучук си-новларидан қўйган ёлғиз-гина қизингиз яна нима ҳам қила олсин? Менинг тақдиримни ўйласиз-у, ўзингизнинг-да дилин-гиз беморлигини менга сез-дирмасликка уринасиз.

Мана, уч йилдирки навқи-рон йигитлик даврида дунёдан кетган укам Олим-жонни ўйлаб тутдек тўки-лади юрагингиз. Ҳар йили 8 август куни яна дардингиз янгиланади. Шу куни укамнинг тавал-луд куни эди. Агар ҳаёт бўлганида ҳозир 36 ёшга тўларди у. Қийган форма-лари ўзига ярашган, бир сўзли, алпкелбатли Олим-жон уч йилки орамизда йўқ. Биламан, сизга ҳам осонмас, менга ҳам. Хаф-та кўрмаса излагувчи,

йўқлагувчимдан айрилган менга ҳам осонмас, она-жон. Энди икки ғариб гулдек бош эгиб бир-би-римизга суяниб, бир-би-римизга таскин-тасалли бериб яшаяпмиз. Оллоҳ, шу бахтни ҳам мендан да-риг тутмасин дея илтижо-лар қиламан.

Мен ҳам укам дея бўзладим, Ҳасратимни сизга сўзладим. Она, сиздан наҳот изладим, Сизга узоқ умр сўрадим.

МУҲАБАТ

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани

Фақат сизга аталган сўзим

„MEZON“ ГАЗЕТАСИ - ҲАММА УЧУН

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг лотин ёзуви-га асосланган ўзбек алифбоси жорий этилди. Ҳозирги кунда ўсмирлар, ёшларимизнинг аксарият қисми ана шу алифбода ўқийди ва ёза-ди. Эндилликда шу ёзувдаги китоб-лар, нашрларга эҳтиёж тобора ор-тапти.

Президентимизнинг: «Ҳар бир ёш-нинг ўзи бир дунё» сўзларини шор-этиб олган «Mezon» газетаси янги миллий ёзувимизни эгаллаган ки-шиларга мўлжалланган.

Газетанинг нишона сонидеги «Умид ниҳоллари», «Универсиада» мусобақаларининг аҳамияти

тўғрисидаги «Сўнмас машъала» мақоласи, гиёҳ-вандаллик балоси тўғриси-даги воқеий ҳикоя, тибби-ёт фанлари номзоди Али-шер Мирзаевнинг «Беда-дард» мақоласи ўқувчи-ларни бефарқ қолдирмас-лиги шубҳасиз.

— Ўзбекистон «Матбуот тар-қатувчи» Акциядорлик ком-панияси муассис бўлган газетада, дейди газета бош муҳаррири Абдуназар Худойназаров, — ёшлар ҳаётига оид ян-гиликлар, ахлоқ ва маънавият муам-молари, савол-жавоблар, ранг-баранг



шаклдаги қизиқарли мате-риалларни ўқийдиган мум-кин. Янги алифбода да-риқлардан бошқа нашрлар танқис бўлиб турган шаро-итда, ўйлаймизки, ўқувчи-ларимизга «Mezon» газетаси катта соғва бўлади.

Лотин ёзувини ҳали ўрганмаган кишилар ҳам бу газетада берилган лотинча ва амалдаги кирилл ҳарфлари алифбосидан фойдаланиб мақолаларни бемалол ўқий оладилар. «Mezon» газетаси «Матбуот» дўконларида со-тувга чиқарилди.



ҚИЗЛАРГА АТАЛГАН СЎЗЛАР

«Қандай бўлсам, шундай туравераман, керак бўлса, жуфтимнинг ўзи менга мос-лашсин», дейдиган аёл ҳам, эркак ҳам ақли эмас! Улар бир умр бирга яшайдиган, ҳали қанчадан-қанча оғирини ёнида бир-га кўтаришадиган махрами жонига ўжар-лик, такаббурлик, беписандлик кўрсат-моқда!

Ёнидаги одамга нима учун мажбуран мос-лашадилар? Бўғилмай яшаш учун, болалар-га мўтадил шароит яратиш учун! Ўзининг тинчи-ю фарзандларининг оромидан ўжар-лик ва такаббурликини устун қўяётган ода-ми соғ деб бўладими?

Қизойим, инсон — бамисли лой. Унинг ақли билан иродаси эса қулол, ўзингдан хоҳлаган нарсангни ясаб олишинг мумкин. Фақат ихлос билан, астойдил урин!

Рўҳий хаста одамга яқинлари тоқат қилиш-га мажбур, чунки у-бемор. Аммо ўзидаги ёмон феълларга жуфтини чидашга мажбур қилиш ҳам жинилиқдир!

Қизойим, сен соғ одамнинг тутумини тутпун...

Ой қизим, сен тадбиркор бўлгин, жуфтинг ёнингдиги чексиз давлатинг ва чексиз лаш-карингидир. Сендан кетадигани фақат — сўз! Ўрнини толиб, рағбат бер, ўрнини толиб қўнглини яйратадиган гап айт. Тилаб тур-ган таомини олдиға қўй, дилиға хуш кела-диган хабарлар етказ. Шу йўсинда эритиб, болангни боқдириб ол, камингни битириб ол. Эритиб юриб, ўйлар солдир, тўйлар қилдир ва қандингни уриб яшайвер!

Эгилиб эркакнинг қўлига сув қуйиш, эги-либ салом бериш, уни тўрига ўтқизи-б хурматлаш МУТЕЛИК эмас! Эракдан бир қадам орқада юриш, ўзини шоғирда, эрни устоз санаш КЎРҚИШ ёки ИРОДАСИЗЛИК эмас! Бу илим! Шарқона аёллик илими! Бу — одоб билан рўзгорнинг ишини битириш: «Сиз-нинг галингиз маъқул», деб туриб ўз фик-рини маъқуллаш, «қўлингизман» деб ту-риб айрим ўйинқарок, бепарво эрларни оилапарварга айлантдириб олиш илмидир.

Шарқ аёллари ўзларининг ақллилиги, ишбилармонлигини жуфтларига мунозара ва даҳанаки жанглар билан кўрсатмайдилар. Нафсиларини айтганда, рўзгор де-ган нафс юкни тортишдай юмуш турганда, эру аёлнинг «сен зўрми, менми?» дея баҳс қилишда не мантиқ бор? Ақсинча, биз-нинг миллатда жуфтдан ўзиб кетган аёл ич-этини еб юриди! Биз гоҳо ўзимизда тумарисларнинг салоҳияти борлигини сез-са-да, дил-дилдан забардаст эрларимиз-нинг паноҳида, ҳимоясида бўлишни жуда-жуда истаймиз! Шунинг учун, ўзимизни орқага олиб, эрларни карвонбоши бўлиш-га ундайверамиз.

Қизойим, эркак зоти ўз аёлидан мукам-мал бўлишни жуда хоҳлайди. Шу боис, жуфтинг қошида харгиз-харгиз билимин-ни намойиш қила кўрма! Малол келасан. Рўзгорнинг буюклиги шундаки, эру аёл бирининг камини бири тўлдириб, бир бу-тунликка айланиб боради. Аммо бунинг ёзилмаган ўз қондаси бор: эр ошқора, АЁЛ ЭСА СЕЗДИРМАЙ ЎРГАТАДИ!

Жуфтининг бирор фикри ёки бирор феълини инкор қилишдан аввал, унинг қайсидир ишини қотириб мақта, қойил қол-ганинга уни ишонтир! Чунки эркак зоти ўта таъсирчан: осонгина тиккаланиб, осон-гина синади.

Жуфтинга овқат беришни унутсанг, қан-дай натижа бўлса, уни ўзига ўзини мақта-шни унутсанг ҳам шундай ҳосил оласан! (Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Турсуной СОДИКОВА

ЧИРОЙ ВА БОЙЛИК УСТУНМИ?


...Мақтаб даври умрининг энг унутилмас даври бўлса керак. Мен синфда аълочи қиз эдим, шунинг учун кўпгина ўзига тўқ бўлган синфдошларим билимим учун дўстлашар, улар орасида ҳақиқий дўгоналарим ҳам бор эди. Болаларнинг кўпи эса билимим учун дўстлашар эди, бу менга жуда алам қилса-да, уларга билдирмас эдим. Синфимизда севи ва ҳар хил шунга доир ёзувлар бўлиб турарди. 1997 йил 11-сентябрда 6 та янги ўқувчи келди ва биз 21 та бўлдик. Шулар ичида Зокир исмли бола бор эди. Аввалига унча эътибор бермадим. Дўгоналарим: "Сени яхши кўриб қолибди", - дейишди. Мен бу гапни ҳазилга йўйдим. Лекин ўзи тез-тез хат ёзганди бўлди. Яхшигина дўстлашиб ҳам олди. Унча чиройли эмас, аммо ёқимли бола эди. Менда шундай характер борки, инсоннинг гўзаллигига унча эътибор қилмайман. Унинг ички дунёсига, қалбига эътибор бераман. Зокир билан доим бир партада ўтирадиган бўлдик. Баъзида уйимга кузатиб ҳам қўядиган бўлди. Уни севамасдим, лекин ўрганиб қолувдим. Давлат имтиҳонлари ҳам бошланди. Ҳаммамиз тайёрландик. Мен Зокирга ҳар бир фандан ёрдамлашиб турардим ва у имтиҳонларни ўзганинг билими билан "4" га топишди. Сўнгги имтиҳондан кейин уйга бирга қайтаётгандик, йўлда менга: "Имтиҳонларни топишришда сенинг ёрдаминг кераклиги учунгина мен сен билан гап-

лашиб юргандим", - деб қолса бўладими. Бошимга нимадир зарб билан урилгандек бўлди. Лекин унга ҳеч нарса, дея олмадим. Яхшиямки, ҳали ўртаимизда "севи" деган туйғу пайдо бўлмаганди. Барибир менга жуда алам қилди.

Наҳотки севи фақат чирой ёки бойлик билан ўлчанса? Мен зиёлилар оиласиданман. Аммо бой ҳам, камбағал ҳам, гўзал ҳам эмасман. Муомалам, юриш-туришим, қалбим гўзал бўлса, шунинг ўзи етарли эмасми? Лекин кўп йигитларимиз аввало хуснага, бойликка эътибор беришар экан. Бу гапим билан ҳамма йигитларимизни назарда тутмаяпман, албатта. Мен Зокирга ҳеч нарса демоқчи эмасман. Лекин 22 га кирсам-да, йигитлар билан ҳеч дўстлаша олмаيمان. Яна алданиб қолишдан қўрқаман. Балким менга гапирмоқчи бўлганлар димоғдор, чиройга ва пулга уцадиганлар тоифасидан бўлишгани учун шундайдир? Лекин наҳотки, севиб-севилиш фақат бойлару, гўзалларга насиб этса, деб қийналиб кетаман. Нима учун ҳаммага бир хилда бахт улашилмас экан-а. Дунёда ҳеч бир қиз, йигит "севи" борасида ўқимасин ва бахтсизликка учрамасин! Севиб-севилиш ҳаммамизга насиб этсин.

ДИЛРОМ

Тошкент вилояти



Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари

Бу воқеа бўлиб ўтганига олти йил бўлаяпти. Менинг энг яқин қариндошим 1996 йилда ўзи ишлаб турган жойидан пойтахтимиз Тошкентга бир ойлик ўқишга юборилади. Ўша йили Наманган вилоятидаги Бизнес мактабидан М. исмли аёл ҳам Тошкентга бир ойлик ўқишга юборилади. Улар шу ерда танишишади. Бу учрашув ва танишишлар оқибатида хиёнат юзага келади. Қариндошимнинг ўша вақтда 5 та фарзанди бор эди. Ҳозирги кунда фарзанди 7 нафарга етди. М.нинг эса 3 нафар фарзанди бор. Қариндошимни эркак

ларингиз билан танишман. Бир мен эмас, кўпчилик киши сизнинг ҳамма қилган ишларингиздан хабардор. М., сиз бир хатингизда: "Биз томондагилар эркак билан аёл ўртасидаги дўстликни билишмайди", деб ёзгансиз. Шунинг билан, ҳеч қачон бегона эркак билан бегона аёл ўртасида дўстлик бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлмайди. Сиз ана шу нотўғри ўй-хаёлни қурбон бўлдингиз. Сиз тилаклар ёзилган варақингизда: "Ҳаётга менинг кўзларим билан боқинг. Иккимиз ўртаимиздаги бўлган

АДАПТАЛ ЙўЛЛАРДА ГўДАКЛАР ЕТИМ...

киши деб ўйласам, М. аёл кишику! У қандай қилиб етти ёт бегона, ҳеч қачон кўрмаган, танимаган эркакка ўзини топириб қўйди. Уни бунга нима мажбур қилди экан? М. ўзининг ахлоқий бузуқлиги билан оиласига, эрига хиёнат қилди. Ўқиш тугагунга қадар ораларидаги алоқалар узилмайди. Ўқишлар тугаб уйларида қайтгандан кейин ҳам, хат орқали алоқа боғлайдилар. М. синглимиз эрининг юзига қандай қаради экан? Менимча, бунақа аёлда виждон ҳам, ор-номус ҳам йўқ бўлса керак. Эри йўқ бўлса ҳам майли эди. 1997-1999 йиллар орасида қариндошим Наманганга икки мартаба М.ни сўроқлаб боради. Албатта, йўл узок, чунки қариндошим Навоий вилоятида яшайди. Бу учрашувлар ҳамда хат ёзишлар туфайли М.нинг оиласида келишмовчиликлар пайдо бўлади. Шундан кейин М. синглимизга инсоф қилиб қариндошимга 1999 йил ёзган охириги хатида "энди хат ёзмайлигини, телефон ҳам қилмаслигини ҳамда сўроқлаб келмаслигини" таъкидлайди. Шундан кейингина улар орасидаги муносабатларга чек қўйилади.

Мен М. синглимизнинг бундай хиёнатли қилмишларига ўз фикримни билдирмоқчиман.

Синглим М. мен сизнинг барча хат-

нарсалар сир бўлиб қолсин", - дебсиз. Айтингчи М., қайси бегона эркак ўзининг ширин оиласи туриб ёки қора кўз фарзандлари туриб бегона аёл кўзи билан ҳаётга қарайди? Сиз бирон марта эшитганмисиз, бегона эркак сир сақлай олишини? Сиз билан бирга бўлган қариндошим ўзининг ҳиссиётларини қондириш учунгина танишган. У хотинига: "Сени ҳеч қачон М.га ўхшаганларга алмаштирмайман", деган. Сизнинг хиёнатингиз сизга ўхшаган олий маълумотли аёлга ярашмас керак. Сиз ўзининг ахлоқий бузуқлигингиз билан ёш авлодга қандай тарбия бераёласиз. Менимча, сиз аввало ўзингизни тарбиялаб олинг, ундан кейингина келажагимиз бўлган ёш авлодга тарбия берасиз. Синглим М., менинг аччиқ ҳақиқат сўзларимдан ўқиб юрманг. Сиз бундан кейин бегона эркакларга ўралашиб қолманг. Хар доим оилангизни ҳамда оилангиз таянчи бўлган турмуш ўртоғингизни ҳурмат қилинг ва бир умр севиб яшанг.

Мактубимни ўзим ёзган тўрт мисра шеър билан якунламоқчиман:

Ҳаёт йўлларида адашман синглим,
Оғир гуноҳлардан қилманг пушаймон.
Адашган юраклар қайтмас умрбод,
Адашган йўللарида гўдаклар етим.

Р.

Навоий

(Боши ўтган сонда.)

Нима ҳам дердик, ҳаётда ўзининг ҳузурини йўлаб, хотини ва фарзандларини минг балога гирифтор қилиб кетадиган одамлар ҳам учраб туради. Икромга келсак, у ҳақиқатан ҳам ўша кун иккита йўловчи аёлини машинага ўтказиб, Поп шаҳрига олиб кетганди. Аёлларнинг бири ўша ерда тушиб қолди. Яна бири

МАРА ХОТИНИ

эса машинага юк олиб, Жиззахга элиб қўйишни илтимос қилди. Иккаласи йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетишди. Жувоннинг исми Зулфия эди. Шундай бўлиб чиқдики, Зулфия фарзанд кўрмай эридан ажрашган, кекса онаси билан иккиси ҳовлида туришаркан. Юкни туширишга, Икром ана шу ҳовлида ётиб қолди. Хуллас, Зулфия ўзининг чирой-чиммати, ширин муомаласи билан Икромни бутунлай ром этди. Бу шинамгина ҳовлида у ўзини худди жаннатга тушиб қолгандай хис қилди. Уч-тўрт кун машинаси билан Зулфиянинг тижоратига кўмаклашиб, бозор-ўчарга қатнаб юрди ва унга бутунлай боғланиб қолди. Шу орада у кишлоқда қолган хотини ва болаларини унута бошлади. Зулфияни никоҳига олиб, ўзининг исмини ҳам ўзгартирди. Икром бу ерга келиб, Убайдулла бўлиб қолди. Машинасининг рақамини янгиллаб, ўзи ҳам қориларга ўхшаб соқол қўйиб олди.

Ана шундай қилиб, орадан олти йил ўтиб кетди. Икромнинг катта ўғли ўн тўққиз ёшга кириб, аскарликка қақирилди. Манзура бора-бора худудликка ҳам кўника бошлади. Аммо ҳеч бўлмаса эрининг мазорининг йўқлиги унинг қалбида тошдек армон бўлиб тураверди. Бу ёқда Икромнинг укалари уй таллашиб, унинг юрагини қон қилиб юборишди. Охири у болалари билан акасининг маҳалласидаги бекор турган уйга кўчиб ўтди. Кўчиб ўтгани ҳам яхши бўлган экан. Мана шу жойда унинг учун омадли кунлар бошланди.

Касалнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади, дейишади. Манзура билан ҳам худди шундай бўлди. Қўшни-синикига Хитойдан қариндоши меҳмонга келиб, бир ойча туриб қолди. У одамнинг баданига игна санчиб даволовчи табиб экан. Манзура ундан йигирма кунча муолажа олди. Ана шундан кейин чап қўли ҳаракатга келиб, ишга яраб қолди. Қизи иккаласи фермер хўжалигига сут соғувчи бўлиб ишга киришди. Кичик ўғли қосибларга қўшилиб, ҳунар ўргана бошлади. Қўлларида пул тушган, ўзлари ўтирган уй сотиладиган бўлиб қилиб, унинг ярим пулини бериб сотиб олишди. Уйнинг қолган ярим пулини фермер хўжалиги ёрдам сифатида тўлайдиган бўлди. Манзура хурсанд бўлгандан оқсоқолларни қақириб, янги уйда худдойи қилиб берди. Худдойида унинг эри Икромнинг ҳақиқига ҳам дуо фотиҳа қилишди. Харқалай тирик бўлганда, олти йилда барибир уйига қайтган бўларди, дейишди.

Худди шу маҳаллалик Кимсанбой ака худдойига сал кечикиб етиб келди. У аскарликдаги ўғлини кўргани кетган эди. Ўғли Манзуранинг ўғли билан битта бўлинмада хизмат қилаётган экан. Манзура буни эшитиб кўзига ёш олди. Кимсанбой ака худдойи тугаб, ҳамма тарқалгандан кейин Манзурани четроққа қақириб, шундай деди:

- Мен эрингни Жиззах шаҳрида кўрдим. У соппа-соғ юрди.

Манзура қутилмаган хабардан хангулмай бўлиб қолди.

- Йўғ-е! Кимнидир ўхшатган бўлманг?

- Ўзинимни ўқувчимни танимайманми? Икром, деб қақирсам орқасига ўғирлиб, юзи полага ўхшаб қизариб кетди. Сирни бой бермай, "Кечирасиз, менинг отим Убайдулла", - деди. Тез етиб бор. Сенга

Турмуш чорраҳаларида

етказган азоб-уқубати учун бетига туфла қайтсанг ҳам камлик қилади.

Манзуранинг юраги така-пука бўлиб қолди. Агар ўша одам ростдан ҳам эри бўлса, уни нима учун у ерларда яшириниб юрганига тушуна олмади. Кимсанбой ака яна шундай деди:

- Бу гапни бошқаларга овоза қилмай турайлик.

ВА НОМАРД ЭР



Сен бориб келганингдан кейин яна маслаҳат қиламиз. Уни қаерда яшаётганини ҳам сўраб билиб келдим.

Манзура ишониб-ишонмай, Кимсанбой аканинг маслаҳати бўйича Жиззахга қараб йўл олди. Аввало аскарликдаги ўғлини йўқлаб, уни бағрига босди. Сўнг ўғли билан хайрлашиб, Кимсанбой ака айтган манзил томон йўл олди. Бироқ мулоқотидаги савдо дўқони олдига етганда, иккиланиб тўхтади. Ана шу савдо дўқонидан битта эшик наридаги уй Кимсанбой ака айтган ҳовли эди. Кейин бор таваққал қилиб, дарвозани тақиллатди. Бир оз ўтгач, бежиримгина халат кийган аёл дарвозани очди.

- Сизга ким керак, опа?

- Убайдулла акам керак эдилар, - деди Манзуранинг вужуди қалтираб.

Аёл иккала қўлини халати чўнтагига солганича орқасига ўғирлиди.

- Убайдулла ака, сизни йўқлаптилар! Ичкаридан қалта соқол қўйган киши одимлаб чиқди. У дарвоза олдига келиб, ташқарига қаради-ю, киприклари пирпираб, ранги оқариб кетди. Озгина бир сўз ҳам келмай туриб қолди. Манзуранинг вужуди жимирлаб кетди. У Икромнинг қув кўзларига маъноли боқиб, фақатгина еттита сўз айтди, холос:

- Дадангиз оламдан ўтдилар. Қабрини зиёрат қилиб қўйинг.

Ана шундан сўнг Манзура орқасига ўғирлиди-да, индамай одимлаб кетаверди. Икромнинг вужуди қалтираб, баданидан муздай тер чиқиб кетди. Бу инфаркт аломати эди...

Манзура кишлоққа қайтган, Кимсанбой ака яна уни йўқлаб келди.

- Нима қилдинг? - деди у ўтирар-ўтирмас Манзуранинг юзига боқиб.

Манзура Икромга айтган сўзларини такрорлади. Кимсанбой ака яна унга савол берди.

- Энди болаларингга нима дейсан?

- Ўшанда рэкетчилар қўлга тушгани тўғри экан, дейман.

Иккаласи ана шунга келишишди. Икром эса ана шу пайтда касалхонада ҳус-сиз бўлиб ётарди.

К. НИШОНОВ

Андижон шаҳри

ДУШАНБА 12

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 15 август кунини "Ўзбекистон" телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.
15.00 "Тахилнома".
15.45 ТВ анонс.
15.50 "Тўртинчи ҳоким".
16.00 "Ошин". Телесериал.
16.40 "Обод уйда пок камлар яшайди".
Езги таътил кунларида "Болалар сайёраси".
17.00 1. "Камалак". Кинодастур.
2. "Қўшигим жон-қўшигим".
18.00 АНГИЛИКЛАР
18.10 "Мулк".
18.30 "Олтин мерос".
18.45 "Бахтли воқеа". Телетелера.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЁЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида).
20.00 Оқшом эрталаки.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 "Бугуннинг гапи".
21.50 2002 йил - Қарияни қадрлаш йили.
22.10 "Спорт, спорт, спорт".
22.25 "Филипп Марлоу". Телесериал.
23.15 "Ахборот - дайжест".
23.35-23.40 Ватан тилчилари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тоғи.
10.00 "Янги авлод" студияси: "Катта танлаш".
10.20 "Қуёндўз амакининг хикоялари". Мультипликация.
10.35 Саломатлик сирлари.
10.55 Муслим лаҳзалар.
11.05 "Давр" хабар асосида.
11.40 Болалар экранини "Қувноқ сирғилари".
12.05 "Давр"-news.
12.45 Бояндин Боймурзаев "Дунобад" спектакли. 1-қисм.
14.00 Автосалат.
14.20 "Дунобад" спектакли. 2-қисм.
15.15 "Қўшқон командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал.
16.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига "Озоод юрт фарзандлари".
18.00 "Ҳақиқат чегараси". Телесериал.
18.55 Кўрсатувлар дастури.
19.00 "Янги авлод" почтаси.
19.15 "Қуёндўз амакининг хикоялари". Мультипликация.
19.30 Спорт ҳафтаонаси.
19.45 Хоразм телерадиокомпанияси тақдими этакда: "Хива - шарқ гавҳари".
19.55 Ватан манзаралари.
20.25 Тафқир ўқинлари.
20.40 Оқшом навалари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.25 ТВ-анонс.
19.40 Қўшқон оҳанглари.
19.50 Бир ўлкаси...
20.10 Ёшлар овози.
20.30 Муҳаббат навалари.
20.50, 21.25, 22.35 ЁЛОНЛАР.
20.55 "Эсмеральда". Телесериал.
21.30 Кишолқадга тенгдош.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.05 "Ёшлар" телеканалида спорт Интерфутбол. Танлаш пайтида-23.50 Давр.
1.00-1.05 "Хайрли тун!"

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТВДА сериал "Официна баридан чиққан фирарибарлар". 52-қисм.
17.45, 19.10, 22.15 "Экспресс" телегазетаси.
18.00 "Болалардан экранни". "Шарки ва Жорж". 6-қисм.
18.30, 20.00, 21.15, 22.30 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Халқ саломатлигини йўлга".
19.25 "Авто-news".
19.45 "Камалак".
20.30 ТВДА сериал: "Изкувар Пуаро". "Родессия учбурчли".
Аммо Дониёрнинг бир нималар деб йўғлаши бунга сира имкон бермас эди.
- Ўғлим, сениям олиб кетаман, Алишер тоған билан ҳар кун ҳалинчак учасан, асалим, бирга кетамиз. - Унинг кўзларидан селдай ёш қуйиларди.
- Менга керак эмас бировнинг уйи. Алишер тоғам керак эмас. Ҳалинчакда ҳам учмай кўявераман. Иккаламиз яшайверамиз. Мени яхши кўрасиз-ку ахир. Ўзингиз менга: "Сендан бошқа ҳеч ким керак эмас" дердингиз-ку. Ёлгончимиз э?
Уларга қўшилишиб бошқа аёллар ҳам йўғлашга тушди. Аммо кўлчалари билан онасини бўйнидан тобора қаттиқроқ қисиб олаётган Дониёрни бўшатиб олишга ҳеч ким ботина олмасди. Вақт ўтиб борар, келини эса қутиб қолишган эди.
- Вой, нима гап қудажонлар, нима бўлди? - деди тўсатдан хонага кирган куда опа. - Бекордан-бекорга нега йўғлашасизлар. Ундан кўра яхши ният билан кели-

нимизни беринглар. Машина қутиб қолди. Бўлинг Нигорай, ёш болага ўхшаб нега йўғлашасиз?
Шундай кейингина аёллар Дониёрнинг олдида боришди.
- Дониёржон, юр ўғлим, ўртоқларинг қақиршяпти. Қани, бу ёққа юргин-чи, ўзим сенга бир нарсалар олиб бераман.
Ўзинг ақлли боласан-ку. Эртага катта дастурхонларни олиб биз ҳам борамиз аянгнинг олдида. Сенга у ерда ўйинчоқлар, расмилар китобчалар олиб қўйишган. - Лекин Дониёр бу гапларни бирортасига ҳам қулоқ солмас, баттарроқ онасини кўриб олди.
- Эээ, - бу ҳолдан тоқти тоқ бўлган куда опа тез-тез юриб она-боланинг олдида келди. - Шу болани деб шунча томоша кўрсатиш шартми? Бу нима тушунарди? Эртага боради-да орқасидан, қани ўт бу ёққа. - У қутилмаганда Дониёрни шунақа куч билан тортди-ки, она-бола бир лаҳза ўзларини йўқотиб қўйишди. Нигоранинг бошидан биров совуқ сув қуйиб юборгандай бўлди.
- Қўйвор, қўлим оғриб кетди, аяжон, кетманг аяжон. Мени ташлаб кетманг. - Дониёр ер депсиниб йўғлар, лекин қанча типирчиласанин, куда опанинг темирдай панжаларидан қиқолмас эди. Бу орада ақлу хушини йўғиб олган хотинлар Нигорани тезда

ТАҚДИР

ҚИСМАТИМИЗ БИР ХИЛ ЭКАН

Мухлиса опа, мен сиздан атиги 2 ёш кичикман, ёшим 18 да. Мен сизга ва сиз орқали барча юртдошларимга ўз сиримни тўкиб солмоқчиман. Шояд дардим энгиллашса. Биз иккимиз бир хил тақдир эгаси эканмиз. Мен ўзимнинг қисматиمنى бошқа ҳеч бир қизда бўлмаса керак деб ўйладим. Ҳеч бир қалби пок қизнинг бошига менинг куним тушмаслигини Оллоҳимдан сўрадим. Минг афсус...

Сиз: "Менинг ёшимда қизлар орзулар оламида яшади" дегансиз. Умуман айрим бир фарқларни ҳисобга олмаганда, ёзганларингизнинг барчаси менинг хаёлимда чархаладек айланиб юрган гаплар эди. Фақат мен уларни оқ қоғозга кўчиришга журъат қилолмай юрдим. Мен ҳам худди сиздек болалигимни дард, алам, изтироб билан эсламан. Қани эди илоҳи бўлса, болалик хотираларини хаёлимдан ҳам, ҳаётимдан ҳам бутунлай ўчириб ташлардим. Сиз ўша муҳиш воқеа содир бўлганда 8 ёшда экансиз, мен эса ўшанда неча ёшдалигимни ҳам эслай олмаиман, балки сиздан ҳам ёш бўлгандирман. Умуман эсимни танмасдим, ола суги оғзидан кетмаган гўдак эдим. Менда ҳам бу воқеа бувимникида, яъни дадамнинг онасиникида содир бўлган. Бувимни жуда яхши кўрганим ва улар билан бир маҳаллада турганимиз учун уларникига тез-тез бориб турардим. Бир кун бувимнинг хонасида уларнинг намоз ўқишларини қизиқиб кузатиб ўтирдим. У ерга дадамнинг укасининг ўғли кириб келди. У мендан 6 ёш катта. Кейин кўлимдан ушлаб мени бу ердан олиб чиқиб кетди. Мен бувимга ҳалақат бераётган бўлсам керак деб, индамай чиқиб кетдим. У кўлимдан ушлаганича одам қирмайдиган, ичкарироқдаги бир хонага етаклаб кирди. Шундан кейин нима бўлганини аниқ эслай олмаиман. Олдинига бу воқеани тушимда бўлган бўлса керак, деб ўйлаб юрдим. Улғая бошлаганимда бу воқеа тушимда эмас, ўнгимда бўлганлигини тушуниб етдим.

Мен ҳам худди сиздай буни энг яқин сирдошим — онажонимга ҳам айтмаганман, ҳозир ҳам айтолмайман. Уларнинг юраги буни кўтара олмайди. Фақат ичтимни еб ўз ёғимга ўзим қоврилиб яшаб келялман, баъзида ақлдан озиб қолмаганимга ҳайрон қоламан. Ёлғиз ўзим уйда қолсам, тўйиб-тўйиб йиғлаб оламан. Ўз жонимга қасд қилиш ҳақида кўп ўйлайман, лекин бунга жасоратим етшмайди. Бу билан ҳеч нарсани ўзгартириб ҳам бўлмайди. Ўз

жонига қасд қилганларни Худоим кечирмаслигини ҳам яхши биламан. Барча инсонлар ўйкудан олдин эртанги кунга Худойимнинг ўзи етказсин деб яхши ният билан ухлашса, мен эрта-лаб уйғонмаслиқни, мангу уйкуга кетишни Оллоҳимдан сўрай-

ман. Ўша ибليسни(уни акам дейишга тилим бормайди) Худого соламан. Биламан, бундан менга ҳеч қандай фойда йўқ. Лекин ҳар бир инсон қилган гуноҳи учун жазосини олиши керак. Ҳозир у оилали. Фарзанд кўрма-япти, тирноққа зор. Унинг хотини, яъни келиноним билан муносабатларимиз жуда яхши. Унинг фарзанди эзилдикдан эзилаётганини кўриб унга ачинаман. Ўзимни аллақачон руҳи ўлган, фақат жисми яшаётган одамдек ҳис қилсам-да, яшашига қандайдир умидим бор. Балки ўқишга қизиқганимдандир. Ота-онам, акаларим, опаларим ҳаммаси олий маълумотли, нуфузли жойларда ишлашади. Ота-онамиз бизга ор-номусли бўлишимизни, уларнинг обрўсига путур етказадиган иш қилмаслигимизни ўқитиб вояга етказишди. Акаларим, опаларим бу тарбияни оқлашди. Лекин мен...

Бизнинг оила билан қуда-анда бўлишни ҳавас қиладиганлар анча. Онам менга: "Сени танлаб-танлаб энг яхши хонадонга узатаман", дейдилар. Шунда менинг ичимдан нимадир узилгандай бўлиб кетади. Наҳотки кимингдан бир болаликдаги соддалигимдан фойдаланиб, менга қилган душманлиги учун бир умрлик виждон азобиغا маҳкум бўлган бўлсам.

Мухлиса опа, сизнинг тақдирингизни онамга ўқиб бериш орқали мен ўз дардимни, неча йиллардан бери айтолмай қиналиб юрган сиримни ошкор қилгандек бўлдим. Онам сизга жуда ачинади. Ўқитганимда овозим қалтириб, йиғлаб юборгудек бўлдим. Ўзимни базўр тутиб турдим. Онам олдинига ҳайрон бўлди, лекин мени ҳам сизга ачинапти, деб ўйлади. Аслида эса нима демокчи бўлганимни сезмади. Мухлиса опа, тақдиримиз бир хил бўлгани учунми, билмадим, сиз билан учрашишни, дардлашишни, опа-сингил тутинишни жуда хоҳлаялман. Балки Оллоҳим бизни қачонлардир учраштиради. Шунда чин дилдан суҳбат қурардик. Бизнинг бу дардимизни озгина бўлса ҳам энгиллатиш учун юртдошларимиз ўз маслаҳатини аяшмас деган умиддаман.

ШОХИСТА

Хоразм

Сурхондарёлик Мухлиса қизим. Сенинг дарду алам билан ёзилган мактубинг бир неча бор ўқиб чиқдим. Қалбимда сенга нисбатан чуқур ҳурмат ва қайғуларингга шериклик ҳислари пайдо бўлди. Сенинг қалбнинг пок экан. Ўзига тўқ бир аjoyиб оиланинг фарзанди ва дилбанди экансан. "Ичимдаги дар-

яларига ота ўрнини босади". Сен шундайми? Йўқ, йўқ, сен ифлоссан. Сендай тоғаларга жамиятимизда ўрин бўлмаслиги керак. Жиянинг Мухлисанинг ёшлигини ҳазон қилиб, яна бола-чақа боқиб ер юзида юрибсанми? Оиланг

эканлигини айтди. Бу ишнинг сабабчиси, қизнинг амакиси эканлигини айтди. Бу гапни ёш келинчақ ҳам тасдиқлади. Беномус, ярамас амаки ҳам шу даврада эди. У қизарди-бўзарди. Ер ёрилсаки, у ерни остига ки-

ҲАЛИ БАХТИНГ ОЛДИНДА



риб гойиб бўлса. Ҳамма унга лаънат айтди. У 60 ёшлардан ошган бир беномус киши эди. Ана энди бу аҳмоқ одам қишлоқда яшайди-ю, маъракаларга боролмайди, тўйу азаларга қатнашолмайди. Худди якка пеллардек ҳаёт кечиради. Фарзандлари ҳам бу ярамас отадан безор. Ота уларнинг ҳам обрўсига салбий таъсир етказди. Бунда қизнинг ҳам ҳатоси бор. Чунки у шундоқ бўлганини билиб туриб, виждони олдида қинал-

мади, тўйчиларни катта чиқимига сабаб бўлди... Бундай ҳодисалар кўп учра-япти. Уларга қарата шундай дегим келади: "Ҳой қизлар, аввало ўзларингга эҳтиёт бўлинглар. Дуч келган киши билан арзимас тилла узук, сирга ёки дуру ҳаётқорлар, олтин занжирларга махлиё бўлиб, ўзларингга бой берманглар. Ахир номус ва орни пулу олтинга сотиб бўлади-ми? Бирпаслик машаат деб ёш умрингизни ҳазон қиласанми? Ҳаётинг олдинда-ку! Йигит киши бевафони кечиролмайди. Йигитнинг уялгани — ўлгани! Қайси йигит шундай қизларни кечиради? Ҳеч ким! Келинги, кечириб майли турмуш қурсин. Ахир ўртоқлари орасида обрўси қоладими? Йўқ, буни мен ҳам қилолмайман!

Мухлиса қизим! Сендаги қалби поклик мени анча ўйлантирди. Сен маслаҳат сўраб тўғри қилибсан. Балки сенинг мактубингнинг отанг, онанг ҳам ўқир, бундан хулоса чиқарар. Сен албатта бўлган воқеани онажонингга тушунтир. Ҳар бир инсонга ота-онадек меҳрибон киши йўқдир. Улар шунга яраша бир хулоса чиқарадилар ва турмушинг яхшиланишига ёрдам берадилар. Аммо сен ҳеч ҳам тушунлиққа тушмагин. Мухлисаой қизим, кўнглингни кенг қил, дунё ўзи тўрт кунлик. Шундай яшагин, ўша аблах тоған виждон азобида қиналсин. Бир кунмас бир кун унинг жазосини яратган эгам ўзи беради.

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ
Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани

ЭСЛАТМА: Ўзига тўқ оиланинг эркатой фарзандиман. Аммо 8 ёшларга тўлганимда мендан 4 ёш катта тоғам менга ёпишиб, зўрлик қилди. Ундан кўрқиб ҳеч кимга айтмадим. Энди ҳаммага рад жавобини бераялман. Илоҳим қалча.

МУХЛИСА

димни ўзим ва Оллоҳдан бошқа киши билмайди. Болалигимда содир бўлган муҳиш бир воқеа туфайли қалбим эгилди", - деб ёзибсан. Бу гапларингизни ўқиб, менинг ҳам юрагимда кучли оғриқ пайдо бўлди. Ич-ичимдан сенга аччидим. Гарчи кўпни кўрган, анча ёшни қоралаган бўлсам-да, кўзларимда энди келди. Кўлларим титради, сенинг дарду-аламинг менга кўчган эди. Бу мактубни кўлим титраб-титраб ёзаяпти. Ёзаяпман-у кўзларимда тўла ёш билан, эгри-бугри қилиб битапман. Худди сен ўз қизимдексан. Ҳозир ниҳоятда қаттиқ ҳаяжондаман. Наҳотки меҳрси тоғанг шу номақулчиликни қилган бўлса? Садакка тоға деган ном кет, сен падари лаънат! Уялмадингми ёшгина жиянингизни шу аҳволга солиб? Инсон нимаси билан ҳайвондан фарқ қилади? Шунга бир танангга ўйлаб кўрмадингми? Бундан бир неча асрлар олдин яшаган улуг шоиримиз, сўз мулкнинг султони Алишер Навоий ҳазратлари:

"Одам борки, одамларнинг нақшидир, Одам борки, ҳайвон ундан яхшидир", деб бекорга ёзиб қолдирмаган эканлар. Сендай ярамас инсонлардан ҳайвон яхши! Қани энди шариот кўтарсаю, сендай ярамасларни тошбўрон қилсин! Бу ҳам озлик қиласди. Садак инсон деган ном кет! Сен инсон эмассан, ҳайвонсан, жирканч бир махлуқсан. Сендан ҳамма ҳазар қилади. Лаънат сенга!!! Эски-

лардан бир мақол бор. «Тоға жи-

бахтлими? Йўқ, сен оила бошлиғи номига арзимаёсан. Қайси кўз билан онанг, янган ва жияларинг, элу хешларинг юзига боқасан? Сенинг кўзларинг оқиб тушсин, уларга боққанингда.

Мухлиса қизим, кўп қуйинма энди. Бўлар иш бўлипти. Бўлган воқеани онажонингга аста тушунтир. У киши отанга айтидилар. Ўзингга муносиби топилар. Бахтли бўлиб кетарми. Дарёдан ит сув ичгани билан сув ҳаром бўлиб қолмайди-ку! Қайғурма, отанг, онанг, оғайилларинг бор. Бу сенинг бахтинг. Бир хунарни эгалла. Хунаринг билан одамларга кўмаклаш, ҳурматини қозон, турмушга чиқиш қочмас. Албатта бир кун бахтли бўласан. Бунга менинг иймоним қомил. Бундай воқеалар ҳамма жойда ҳам бор. Мана бир мисол:

Кўшни қишлоқда бир аjoyиб киши бор эди. Шу киши қизини кўшни бир йигитга яхши тўй қилиб узатди. Тўй жуда яхши ўтди. Биламизки, ҳозирги шароитда йигит уйлантириш ниҳоятда қийин. Ота-она кўп йил яхши емай, яхши ичмай тўй тараддуди-га тушади. Аммо тўйдан кейин, келинпошша боқира чиқмади. Ўйил ва ота-онанинг орзуи чил-чил синди. Шунча қилган меҳнати ҳавога совурилган. Йигитнинг отаси ярим кечаси ҳамма қариндошларини тўплади. Қизнинг отаси ва онаси ҳам келди. Меҳмонхона тўла қариндошлар. Ниҳоят йигитнинг отаси сўз бошлади. У тўйга қанчадан-қанча меҳнат қилиб пул тўплаганини ва элу халққа аjoyиб тўй берганини ва охирида келинининг бу ҳолда

оғзи куйган қатикни ҳам пуфлаб ичди». Аjoyиб қасб эгаси экансиз. Ҳеч тушунлиққа тушманг. Сизга маслаҳатим, бундан кейинги ҳаётингизни яхшилаб ўйлаб, ота-онанги-нинг маслаҳатларига қулоқ тутиб, асосийси — Ғанишержонга муносиб оталик қила оладиган инсонни учратсангиз оила қуриб. Ўйлайманки, орамазда бундай яхши инсонлар кўп-ла топилади. Илоҳим келажақда бахтли бўлиб, Ғанишержоннинг роҳатини кўриб яшанг.

Маҳмуда АХМЕДОВА
Наманган вилояти,
Тўрақўрғон тумани, Хўжанд қишлоғи

ЯХШИ ИНСОНЛАР ҲАМ БОР

«Қайта баҳор келар, ер бўлар чаман»—20-сон

ЭСЛАТМА: Ёшим 27 да. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Икки ярим яшар ўғилчам бор. Аммо у отасиз яшамокда. Чунки турмуш ўртоғимни мендан бошқа яна Алла исмли хотини бор. Ҳозир у иккинчи хотини билан яшайди. Мен эса тақдирга тан бериб отамникида бевалик нонини еб ўтирибман.

БАШОРАТ

Ҳурматли сингилм Башорат, дил кечинmalarингизни қайта-қайта ўқиб чиқдим. Менинг ҳам беш фарзандим бор. Икки келиннинг қайнонасиман. Турмуш ўртоғим билан олти набиранинг меҳрибон буви ва буважониси бўлиб, фарзандларимиз роҳатини кўриб яшамокдамиз. Аёл бошингизга шунча қийинчиликлар тушганини ўқиб, оила аъзоларимиз билан аччидик. Турмуш ўртоғингизнинг номақулчиликлари соф қалбингизга жароҳат етказгани, қайнона-қайнотангиз ўз ўғлини мана шу йўлдан вақтида қайтаролмагани мени жуда ажаблантирди. Фарзанд

тарбиясида ота-онанинг ўрни катта. Қайнотангиз ўз ўғлининг шунча шумликлари ҳам бефарқ қараб келганми, қайнона-гиз эса ўғли ёнини олиб сизга: "Хоҳласангиз шу, Мана, алам устида қурган оилангиздан нима наф қўрдингиз? «Сутдан

Машгулотлар амалиёт билан бирга қўшиб олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегирмалар бор. Битирувчиларга сертификат (гувоҳнома) берилади.

Телефонлар: 45-18-68, 45-90-66, 29-28-58.

Манзил: Фуқарат қўчаси, 1-уй. Спорт кўчаси биноси ёнида, 4-кават, 410-хона.

Мўжлақ: метронинг "Халқлар Дўстлиги" бўлими

Оилада тўнғич фарзанд бўлганим ёки мендан кейин саккиз нафар ўка-сингилларим борлиги туфайли, ота-онамга қараб раҳмим келдими, қўшни йигитлар билан маслаҳатлашиб мен ҳам мардикор бозорига чиқиб, иш топиб ишлайдиган бўлдим. Меҳнатимга яраша ҳар куну уч юз сўм келтирдим. Ота-онамининг хурсандчиликлари, уларни менга қарашларидан сеза бошладим.

Бир куни қўшни маҳалладан тўрт киши ўн беш кунлик иш топдик. Биринчи куни шеригим билан ёғоч кўтариб келардик, қорним очлигиданми ё ёш бўлганим сабабми бошим айлиниб йиқилиб кетдим. Ўзимга келиб қарасам, уй эгаси Сарби хола менга қараб ўтириб, кўз ёши қиляпти. Дўхтир ҳам чақиршибди, кейин ўзимга келибман. Шунда Сарби холага нисбатан меҳрим ошди. Хола билан муносабатимиз аста-секин қалинлашди. У кишига оилавий ахлоқимиз ҳақида гапириб бердим.

—Дадаси, бу ўғлимни қаранг, энди ўн саккизга қадам қўйиб, уй-рўзгоримизга ёрдам бўлсин деб шундай ишларга қўл урибди. Уйларига саккиз нафар ёш укалари ҳам бор экан, — деди эрига. Атҳам тоға меннинг ёнимга келиб ўтириб: "Раҳмат ўғлим, ёш бўлсангиз ҳам ота-онангиз, укаларингизни шунчалар ўйлабсиз", — деб бошимни силаб қўйди.

Мен анча ўзимга келиб, яна ишга киришмоқчи ўйлаб турган эдим, Сарби хола буни сезиб:

—Ўғлим, бемалол дам олинг, иш қочмайди, ҳали қанча иш бор, эҳ-ҳа, аста-секин қилаверасиз, — деди меҳрибонлик билан. Олдимдаги дастурхонга неча хил овқат пишириб келишди. Кўнглим тортиб уялмасдан ҳаммасидан

тановул қилдим. Нимагадир бегоналик ҳам эсимга келмасди.

Нигина бу оиланинг ёлғиз фарзанди экан. Олдимга тўрт донга тухумни ёгда пишириб, олиб келиб қўйди-да, қулим-сираб: "Собир ака! Буни енг, мен пи-

хола уйдан бир тугунни олиб чиқиб қўлимга бериб: "Ўғлим, уйларингга олиб бориб, нон, нондан ҳеч қим қайтмаган", — деди. Мен ўзимча: "Бугун хайрият нонга ишлабман", дедим. Уйга келдим, ҳаммамиз хурсанд бўлди, негаки тугунда нон, ярим ки-

УЙИМИЗГА ҚАЙТДИМ



ширдим. Элликта оқ товугимиз бор, уларга ўзингиз каттак қуриб берасиз", — деб кўнглимни яна кўтарди.

Кечки пайт шерикларим ҳам дастурхон атрофига келиб ўтиришди. Овқатдан кейин Атҳам тоға улар олдида уч юз сўмдан пул қўйиб, менга қараб: "Собиржон ўғлим, сиз ҳали яна бир оз ўтиринг, укол дорилар тарқасин", — деди. Орадан беш дақиқа ўтмасдан Сарби

лоча чой, ярим килоча оқ қанд ва минг сўм пул бор экан. Мен ўтган воқеалардан уйдагиларга оғиз очмадим. Отамнинг хурсандлигини ўзим сезиб турардим. Ваъдага мувофиқ эрталаб етиб бордим. Кўча эшигида Сарби хола меннинг йўлимга қараб турган экан, дарҳол ҳола-ахвол сўраб, елкамдан олиб, пешонамдан ўттилар.

Орадан олти ой ўтди. Мен ҳар замонда ҳеч бир иш бўлмаса ҳам Сарби хола, Атҳам тоғани кўргани борардим. Улар ҳам мени очик чехра билан қутиб олишарди. «Ха, — дердим ўзимга-ўзим-дунда яхши одамлар кўп экан».

Бир куни ишдан уйга келсам, онам билан Сарби хола сўрида инोक суҳбатлашиб ўтиришди. Мен ҳам югуриб бо-

риб бош эгиб Сарби хола билан сўрашдим. Кейин билсам Сарби хола менга совчи бўлиб келган экан. Атҳам тоға билан Сарби холанинг меҳрибонлиги туфайлими, ота-онамининг розилиги билан Нигина билан никоҳ тўйимиз бўлиб ўтди. Мен Нигина ёлғиз қиз бўлганили, ота-онасининг чин меҳрибонлиги учун улар уйда ичкўёв бўлиб қолдим. Уйдагилар ҳам рози бўлишди. Мен: «Мендан ташқари саккиз нафар укаларим бор, ота-онамга ҳам қийин, кейинчалик аста-секин бирон жой олиб уй қуриб чиқиб кетармиз», деб ўйладим.

Атҳам тоға — қайнотам маош олганини сезиб қолишса: "Ўғлим, пулингиз бўлса дарҳол отангизга бериб келинг, улар кўпчилик, мен мактаб директори бўлсам, аянғиз савдо маркази бошлиғи бўлса, мени десангиз шу гапимни қиласиз", — дерди.

Тўйимиздан кейин олти ой ўтди. Бир куни Нигина уй ишлари билан банд эди. Мен кечки овқатга — ош пиширдим. Ош ҳаммамизга маъқул бўлди. Эртаси Нигина менга қараб: "Хўжайин, мен бугун уч юз сўм берсам, бир чучвара ҳам пиширинг, уч юз сўмлик қўёв сиз-ку", — деса бўладими... Мен бу сўзларни эшитиб не хаёлларга борганимни ўзингиз сезган бўлсангиз керак. Бироз бошимни ушлаб турдим-у, тўри уйимизга қайтиб келдим. Мана шу воқеага ҳам бир ой бўлди. Мен Нигинадан воз кечдим. Лекин қайнона-қайнотамдан сира кўнгли узолмапман. Сизлар нима дейсизлар?

Собиржоннинг дил изохорини
Абдуқодир АЗИЗОВ ёзиб олди
Фаргона,
Риштон шахри

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАЙ?

Бу мактубни ёзишдан олдин минг бир истихолога бордим. Ёшим 35 да. Шу ёшда икки ўт орасида қолдим. Хотиним, учта гудай фарзандим бор. Менга ҳозир маслаҳатларингиз хаводай зарур. Ҳарбий хизматга жўнашдан олдин бир қизни жонимдан ортқ севадим. У ҳам мени еру қўкка ишонмасди. Хуллас у билан ахду паймонни бир ҳога қўйиб, ҳарбий хизматга кетдим. Тез-тез хат ёзишиб турдик. Аста-секин ҳарбий ҳаётга қўниқдим. Барибир ҳам ундан хат олсам юрагим ҳаприкиб кетарди. Уч-тўрт кун яна унинг ҳаёли билан яшардим. Хизматдан келсам, ота-онам бир қариндошимизнинг қизига оғиз солиб қўйишган экан. Менинг тақдирга тан беришдан бошқа иложим қолмади. Биринчи муҳаббатимни унуттишга ҳаракат қилдим. Уйланиб уни унутгандай ҳам бўлдим. Лекин баъзида эсимга тушиб кетарди.

Бир йилдан бери тагин ҳоловатим бузилди. Уни бекалда тасодифан қўриб қолдим. Юрагим томоғимга келиб тикилди. Қўзларимдан олов чиқиб кетгандай бўлди. Шунча йил кўрмасам-да, уни қалбимдан юлиб ташламаганимга иқдор бўлдим. Вужудимга қандайдир титроқ кириб, беихтиёр ёнига борганимни ўзим ҳам сезмай қолмабман. У ҳам мени қўриб юзлари оловдай ёниб кетди. Ҳол-ахвол сўрашдик. Эри ва иккита боласи бор экан. Лекин ҳаётдан мамнун эмас экан. Кетишда у менга телефон рақамини қолдирди. Шундан бери кўнгирашчи бўлдим. Икки марта учрашдик ҳам. Лекин орамизда ҳеч гап ўтган эмас. Биз дўстона муносабатда суҳбатлашамиз. Кундан-кун унга қаттиқроқ боғланиб қолаётганимни ҳис этапман. Бу ёқда хотиним, болаларимни ўйламан. Ота-онам измига бўйсуниб қўйган битта қадамим йиллар ўтиб энди мени ўз исқанжасига олган. Ҳеч қачон хотиним ва болаларимдан кечмайман, лекин ўша Д. исмли аёл ҳам кўз ўнгимдан кетмайди. Нимага ота-оналаримиз биз фарзандлари кўнглини ҳисобга олмай, қариндош билан турмуш қуришга зўрлашади? Тўғри, улар бизга ёмонлиқни раво қўришмайди. Севишиб турмуш қуришган қариндошлар ҳам йўқ эмас. Мен ҳам хотинимни ҳурмат қиламан, унга озор бергим келмайди. Хотиним уйимнинг фариштаси. Лекин кўнглим нимага биринчи муҳаббатимга қараб талпинди? Нимага юрагим ақлимга бўйсунгиси келмайди? Бу дарддан қандай қутулсам бўлади? Нима қилсам ҳаётим тагин изга тушади?

Исмин билан ёшимни ёзмайман, ҳали жудаям ёшман. Мактабда ўқийман. Шунга қарамай бу дунёда яшагим йўқ. Ота-онам мана 5 йилки бирга яшашмайди. Биз укаларим, онам билан бирга яшаймиз. Уларни уришларига нима сабаб эканлигини билмайман-у, лекин бир нарсани аниқ биламан, айб отамда. Оилада тўнғич қиз бўлганим учун менга оталик меҳри етishмаётгандек туюлади. Биронтаси кечкурун ёки бошқа маҳал "Дадангиз қани?" дейишса,

нима дейишни билмайман. Онам шўрлик касал бўлишига қарамай бизни бировлардан кам бўлмаслигимиз учун қўлидан келганча ишлайди. Ҳатто бизни ўйлаб касалхонага ҳам ётмадилар. Отам-чи? Энди унинг бошқа оиласи, бола-чақаси бор. Келса бир ҳафтада бир келади. Келмаса йўқ. Уни машинасида бошқа аёл билан кўп кўрганман. Уни фақат ҳурмат қиламан. Ҳурмат ҳам қилмас эдим, лекин онам айтганидек нима бўлсам у менинг отам. Олдин қандай яхши яшардик, ўша хотин ҳаётимизга кириб келди ва ҳаммаёқ бузилди. Унинг эри, болалари бор. Нима қиларди бошқаларнинг турмушига аралашиб? Ойижоним сиқилиб-сиқилиб сочлари оқариб, оғир касалга учради. Отам мени ҳали ёш, ҳеч нарсани тушунмайди, деб ўйлайди. Лекин мен ҳаммасини биламан. Бировнинг хотинини, бола-чақасини боқишдан олдин ўз оиласига, ёш болаларига назар солса бўлмасмиди? Эшитишимча ҳозир уй қуришяпти. Бир нарсани аниқ биламан, қарижан чоғида уни ҳамма ташлаб, ҳеч қимга керак бўлмай қолганда келиб биздан кечирим сўрайди. Шу кунни мен қанчалик қутаётганимни билсангиз эди. Ушанда унга бор гапни айтаман. Лекин уни ҳеч қачон кечирмайман.

Агар дадам бу газетани ўқийдиган бўлса, ундан қанчалик нафратланишини ва унга бўлган меҳримни унинг ўзи йўқ қилганини айтмоқчиман.

Фаргона шахри

С.

ОРЗУЛАРИМ ЧЕКСИЗ ЭДИ...

Мен ўқиш, иш билан бўлиб анча кеч уйландим. Хотиним билан 7 ойча яхши яшадик. Кейин онасининг уйига гап ташийдиган одат чиқарди. Онаси келиб: "Мен сени чўриликка берганим йўқ, буларни ишини қилма", деб ота-онамининг кўнглини оғритиб кетди. Ҳовли супириш, кир ювиш, овқат пишириб, идиш-товоқ ювиш чўриликка қирадимми? Шу хонадонга яшаб туриб молга ўт солиб, тагини тозаламаса, томорқада ишламаса, бошқа аёллар каби далада ишламаса... Турмушнинг шунга ўхшаш майда-чўдаларидан бошланган келишмовчиликлар кўпая бошлади. Ижарага қўчиб чиқиб ҳам яшадик, бўлмади, қизли ҳам бўлди, босилмади. Онасининг уйига бориб-келиши кўп бўларди. Ойим нафақага қиқш учун хужжатларни тайёрлаб, менинг ҳам паспортимни сўраб уйга келсалар, "Сен нимага менинг уйимга бостириб кирасан", деб жанжал қилиб, чойнак-пиёла, чиниларни отиб синдириб ташлабди. Қайнота-қайнонам маҳалла фуқаролар йиғини раиси, милиция ходимлари ҳамкорлигида йиғилиб келишиб уйдаги ҳамма нарсани олиб кетишди. Хотинимдан ҳам, жанжаллардан ҳам энди қутилдим десам, орадан кўп ўтмай, иш жойимга қизимни кўтариб келадиган одат чиқарди. Қайнонам у ерда ҳам ҳамкасбларим олдида мени ҳақоратлаб кетар эди. Бир куни қайнонам: "Энди бундай юрманглар, ўртада бола бор, мен уришаман-да",

деб бир танишининг бир хонали уйини гаплашиб олиб берди. Кейин бошқа бир аёлнинг уйини сотиб олди. Уйим кенгайди. Қайнотам уйимга келиб, вино олиб келинг ичамиз дерди. Ичмасам мени зўрларди. Бир сафар бошимдан қуйиб юборганди ҳам. "Ёғочнинг бўшини қурт ёйди", деганлари рост экан. Менинг кўнглим тоза, кўнгличанман. Шу характерим менга панд беради. Қайнота-қайнонам ва хотинимнинг сиқувларига чидолмай уйдан чиқиб кетдим.

Бир кун қўчада қайсинглим билан учрашиб қолдим. У: "Қиз кўрдингиз, бориб кўриб қўйинг", деди. Мен ҳеч нарса бўлмагандек эртаси кун бориб кўрдим. 6-7 ойдан кейин судга чақиртирди. Суд ходимларини "3 та болани етим қилмай бирга яшанглар", — дейишди. Ярашиб яшай бошладик. Лекин яна муросамиз қовушмади. Очиғини айтсам, хотинимнинг ахлоқи бузуқ эди. Мен уни жиловлай олмадим. Болаларга яхши қарамасди. Уйнинг ичини гапириб ўтирмай, ҳовли юзига қараб бўлмасди. Ясантусан қилиб чиқиб кетарди. Мендан кейин ҳам бир неча эрга тегиб чиқди. Болаларимни кўргим келиб борсам: "Келма, милицияга бериб қаматиб юбораман" деб дўк-пўпсиз қиларди. Қайта уйланай десам, болаларим кўз ўнгимга келаверади. Уйланмай десам, қийналиб кетдим. Бу хатни ҳам сиқилганимдан ёздим.

ХАЁТ

Андижон

АЁЛИМ ОЙДИННИСОГА

Мен ўз турмуш ўртоғимга қарата ёзган шеърий намунамни эътиборингизга хавола этмоқдаман...

Аёлим сен — Ойдиннисо
Ўзингга қўйдинг кўп бино.
Ҳаётда кўп қилдинг хато,
Аммо хатонинг тан олмадинг.
Аёлим сен — Ойдиннисо,
Тортдим қанчалар жафо.

Бағритошсан — Ойдиннисо,
Аммо сенга жоним фидо.
Аёлим сен — Ойдиннисо.

Ҳозирги кунда иккимиз ўзаро келишолмай якка-ю ягона қизимизга ҳақиқий бахтни бера олмаёй, айри яшамокдамиз. Мен Тошкентда, у эса Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳрида. Уйлайманки, Сиз азизлар ёрдами билан бу муаммо ўз ечимини топади.

УСМОНИЙ

Тошкент

У.

Маълумки, доғланмаган ёғ кишига сингмайди. Мазаси ҳам яхши бўлмайди. Шунинг учун ҳам ёғни меъриёга етказиб доғлаш зарур. Агар ёғ доғлаётганингизда қорамтир тутун пайдо бўлса оловни пастлатинг. Оқибатда буталиб чиққанда туз ташланг, бодрокдек қарсилдек чиқса, демек у доғланган бўлади. Худди шу пайтда ёққа бир-бўлак пиез ёки бир бурда суяк ташланса, захарли моддаларини шимиб олади. Доғ-

ЁҒ ДОҒЛАШ ҲАҚИДА

ланаётган ёғнинг тутунига кафтини тутиб ҳидлаб кўриш керак, чунки ёғнинг хиди димоқни ачитмайди. Ёққа масаллик ташланганда қайнаб, маржондек кўпик ҳосил бўлса, бу ҳам ёғ доғланганининг белгиси саналади. Ёғни чўмич билан шопириб кўринг, доғланган ёғ томчилари тиник, ялтироқ тусда бўлади.

ТУХУМНИНГ ФОЙДАСИ...

Биз фақат таом сифатида истеъмол қиладиган товук тухумининг фойдали жиҳатлари шу қадар кўп эканини, у ҳатто кўпгина хасталикларни ҳам даволаркан. Масалан, овқат ҳазм қилиш аъзолари иши бузилганда тухум оқига озинга туз солиб ичилса, кифоя. Ҳаммаси жойига тушади. Мигрен ёки асабийлик натижасида бош оғриганида қайноқ сугта хом тухумни аралаштириб бир неча кун ичиб турилса, бас. Шунингдек, невралгия хужуралида тухумни каттиқ қилиб пишириб, сўнг уни икки қисмга бўлиб қайноқ ҳолида оғриётган жойга босиб турилса, тухум совиғунча оғрик ҳам босилади.

Оналар эса мана бу маслаҳатларга амал қилганлари маъқул: бола яхши ўсмаётган бўлса, икки стакан илқ сугта янги тухумни аралаштириб ҳар кун 3-4 маҳалдан ичириб туриг. Ҳикматдор ёки халқ ақли билан қарашда эса тухумни хомлигича ичиш лозим. Тананинг бирор жойи беҳосдан қуйиб қолса ҳам тухумнинг аввал оқини, сўнг саригини ўша жойга тез-тез суртиб туриш зарур. Болаларда қичима, экзема (гуш) пайдо бўлганда битта хом тухум оқини бир ош қошиқ асал билан аралаштириг ва оғрик жойларга суртиг, сўнг бир қават доқа билан боғлаб қўйи. Кун бўйи шундай қилиг, кечаси ухлашдан олдин доқани ечиб, ярани секин артиб қўйи. Эртасига худди шу муолажа такрорланади. Яра аста-секин тозаланиб, тузала бошлади.

Биз шунчаки салат ўрнида қўллайдиган помидорнинг фойдаси ҳақида сиз оз нарса биласиз, шундайми? Унда эшитинг. Янги помидор ва унинг шарбатига (бошқа хил мевалар таркибида танқис бўлган) ўта фойдали моддалар сароб экан! У юрак-томир хасталикларини ва меъда-ичак фаолиятидаги бузилишларни даволайди. У икки бармоқли ичак ҳамда буйрак-тош касалликларини, организм ҳолдан тойганида янги помидор еб, шарбатидан ичиб туриг. Витамин А етишмаганда ҳар кун бир стакан помидор шарбатига петрушка тўғраб қўшиб ичилса, фойдали. Микроб тушиб ту-

ПОМИДОР ЮЗ ДАРҒА ДАВО

залиши кечикаётган жароҳатларга пишган помидор эзиб қўйилса кифоя, ҳар қандай йирингли аралар ҳам барҳам топади. Юз териси ёғли бўлганда 3 ош қошиқ помидор шарбатига 1 чой қошиқ петрушка суви (петрушкани эзиб сувини чиқариш мумкин) аралаштириб салқин жойда сақланг, бу суюқлик юз учун энг қулай витаминдир. Уй шароитида помидор шарбатини тайёрлашнинг энг оддий усули шуки, янги пишган помидорни яхшилаб ювиб устидан қайноқ сув қўйилди, сўнг майда тўғраб доқадан ўтказилди.

МАЗАЛИ ТАОМ ЯХШИ

Сиз шўрва пишириш ниятида гушт ва савзавотларни сувга солиб, қозонни ўтга қўясиз. Шўрва суви бир қайнаб чиққач, туз идишига қўл узатасиз. Шошилманг! Шўрвага пишмасдан олдин туз солсангиз, савзавотлар таркибидagi витаминларнинг 70 фоизи йўққа чиқади. Сиз таом ё салатлар тайёрлаётганингизда унинг витаминлари парчаланиб кетмаслигига алоҳида эътибор беринг, бу соғлигингиз учун муҳим аҳамиятга эга. Қўпинча картошкани йилгарида артиб, совуқ сувга солиб ичясиз. Бунда кар-



тошка таркибидagi крахмал ва витамин С сувга чиқиб кетади. Бугда пиширилган картошқада крахмал тўлиғича сақланиб қолишини унутманг. Савзавотларни сувда пишираётганингизда қозон қопқоғини ёпиб қўйсангиз унинг фойдалилик даражаси пасаймайди. Ичига қийма солинадиган қарамни тузли сувда пиширсангиз суви кўп ажралиб, қийма бутқа бўлиб қолади. Сметана қўшилган салат дарҳол истеъмол қилинмаса, яъни уч-тўрт соат туриб қолса, ундаги тўйимлилик даражаси камаяди.

ҚИЗИЛ ЛАВЛАГИ ХОСИЯТИ

Сиз қизил лавлагининг хосиятлари ҳақида эшитгансиз, албатта. Бирок, ундан қай вақтда фойдаланиш зарурлигини билмасангиз керак. Масалан, нафас йўлларидаги шамоллаб бирданига овозингиз бўғилиб қолди, дейлик. Бир дона қизил лавлагини сувда пишириб, кирғичда қиринг, доқадан ўтказиб сувини олинг. Ҳар кун оқватланишдан олдин шу сув билан томоғингизни бир ҳафта давомида қайиб турсангиз кифоя. Қабзиятда (ич қотганда) 50-100 грамм қизил лавлагини сувда пишириб, сўнг майда қиркиб устига озроқ ўсимлик мойи қўйи. Уни оч қоринга истеъмол қилсангиз дарддан қорин бўласиз. Яна битта осонгина муолажа: Бир дона қизил лавлагини, бир дона



турп ва битта сабзани кирғичдан ўтказиб сўнгра сувини сиқиб олинг ва ҳаммасини аралаштириг. Кўнгилни айна-тадиган моддалари учиб кетиши учун 2-4 соатча музлатгичга қўйи. Ҳар кун оқватланишдан бир соат олдин шу суюқликдан ой давомида ичиб турсангиз, тетикашасиз, гемоглобинингиз ошади, моддалар алмашинуви, қон босимингиз меъриёга тушади, энг муҳими рангингиз тиниклашади. Доимо яшайиб, яйраб юрмоқчи бўлсангиз қизил лавлагини пишириб ёки қасқонда димлаб, сўнг кирғичда қиркиб еб юрсангиз бас. Лавлагини қайнатаётганда сувга туз солманг, шунда унинг таркибидagi витамин, ҳамма минераллар сақланиб қолади.

ГУЛЖАМИЛА тайёрлади

ЁШ, ЖОЗИБАЛИ ВА ГЎЗАЛ БЎЛАЙИН ДЕСАНГИЗ

Қариш мураккаб биологик жараён бўлиб, унинг асосида атеросклероз хасталиги ётади. Атеросклероз касаллиги асосан овқатланиш тарзи нотўғри ташкил қилиниши оқибатида «ёшариб» ва кўпайиб бормоқда. Қариш жараёнини бирмунча секинлатиш учун қуйидагиларни таклиф қиламиз:

- Таркибда холестерини мўл бўлган махсулотларни истеъмол қилмаслик;
- Овқат тайёрлашда фақат экологик тоза ўсимлик мовидан фойдаланиш;
- Турли зарарли одатлардан чекланиш зарур. Яъни спиртли ичимликларга ружу қўймаслик, сигаретдан воз кечиш керак;
- Овқат билан доимо хом қарам ёки ундан тайёрланган салатларни истеъмол қилиш қондаги холестерин миқдорини камайтириб, қариш жараёнини секинлаштиради;
- Овқат билан доимо ўрик ва ундан тайёрланган мах-

сулотларни истеъмол қилиш ҳам атеросклерозни секинлаштирувчи омилдир. Ўрик таркибидида мавжуд бўлган тартарон кислота ёғларни эритиб, холестерин миқдорини камайтиради;

- Жисмоний меҳнат билан ва спорт билан мунтазам шуғулланиш ҳам организмда ортиқча энергия тўпланишини йўқотиб, қариш жараёнини (пасайтиради) тўхтатади;
- Эрталаб юзни ювганда сочиқ билан юқоридан пастига қараб эмас, балки иякдан юқорига қараб артиш керак. Юқоридан пастига қараб артилганда эса бурун-лаб бурмалари чуқурлашиб, қўшимча ажинлар пайдо бўлиши мумкин;
- Ерүлгик даражаси юқори бўлганда кишилар кўзларини қисиб қарайдилар. Бу эса кўзлар бурчагидида ажинлар пайдо бўлишига олиб келади. Қуёшдан сақлайдиган кўзойнак тақиб мақсадга мувофиқдир;
- Баъзи аёллар озиш учун очлик билан даволанишадилар. Бундай кишилар озиб

гавдалари ихчамлашиб қолса-да, юзларига ажинлар тушади. Шу сабабдан тез озиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас;

- Бўйинда ва ияк остида ажинлар пайдо бўлмаслиги учун доимо паст ёстиқда ётиш тавсия этилади. Баланд ёстиқда ётганда бўйиндаги ажинлар чуқурлашиб, бақбақа ҳосил бўлади.
- Юз терисини мутахассис ёрдамида массаж қилдириш фойдалидир. Юзни турли озиқлантирувчи никоблар ёрдамида доимо парвариш қилиш керак;
- Тери қуруқ бўлса, асал билан ёки ўрик мойи билан массаж қилиш ажинларни камайтирувчи омилдир. Дунёдаги энг узок умр кўрувчи, доимо гўзал ва жозибали Кашмир аёлларининг юзга ишлатадиган энг яхши пардоз махсулоти ўрик мойидир.

Раҳматилло БЕКТОВШЕВ,
олий тоифали
шифокор
Самарқанд вилояти



Ўзингиз учун,
уй-рўзгорингиз учун

ИРИМЛАРДА ТУРМУШ АКСИ

- Никоҳ кечаси келин кулса, арзонлик бўлар.
- Келин куёв уйига ўнг оёғи билан кирса, бахтли бўлар.
- Никоҳ кечаси кўзгу (никоҳ ойнаси) синса, келин бахтсиз бўлар.
- Чиллаи аёл янги туширилган келин уйига кирса, келин фарзандсиз бўлиб қолар.
- Хомилали аёлни олдингизга қақиринг. Агар у дастлаб ўнг оёғини қўйса, боласи ўғил, агар чап оёғини қўйса киз бўлар.
- Хомилали аёл қошиқда сув ичса, боласи иллатли бўлар.
- Хомилали аёл тушида марварид кўрса, боласи киз бўлар.
- Хомилали аёл тушида қиличчи кўрса, боласи ўғил бўлар.
- Илонни тушда кўриш давлат нишонасидир.
- Бола қозондан овқатланса, унинг тўй кечасида ёмғир ёғилур.
- Шунинг учун ҳам никоҳ кечаси ёмғир ёққанда «Келин ё куёв қозон тагини ялаган», дейишади.
- Супургини деворга тик қўймаслик керак: уй эгаси ноҳақ тўхматга мубтало бўлар.
- Сафар ойининг биринчи кунинида қўшнига аччиқ нарса узатилса, қўшнчиликка дарз келур.
- Қалит ё қайчини чиқирлатиб ўйнаса, уйда жанжал бўлар.
- Бировнинг уйда тирноқ олинса, ўртада нифок бўлар.
- Икки ҳайит (Рамазон ва Қурбон ҳайитлари) ўртасида никоҳ ўқилса, турмуш иноқ кечмас.
- Аёл қоршанба кунини бошини ювса, бева қолади.
- Қоршанба кунини касал кўришга борилса, беморнинг аҳоли ёмон бўлар.
- Аёлни оёқ қилини устма-уст ечилса, эри бошқа хотин олур.
- Эркак икки аёл ўртасидан ўтса, бахт

ундан юз товлайди.

- Кул билан супринди бир жойга ташланмайди: тўй билан аза бирга келади.
- Коса, товоқ тағида таом қолмаслиги керак: уйдан барака қочади.
- Ит, мушукка сув сепилса юз, қўлга сўғал тошади.
- Бош ювилган сув оёқ тағига ташланса, бош оғригига мубтало бўлади.
- Бола деворга қизик тортса, отаси қарздор бўлади.
- Аёл эрининг чўнтағига қўл урса (яширинча бир нарса олса), уйдан барака қочади.
- Қоршанба кунини бировга қарз берган киши ўзи қарздор бўлиб қолар.
- Бола останада ўтирса, отаси қарздор бўлади.
- Уй супурилсаю супринди олинмаса, бойлик қўлдан кетади.
- Ёш Бола уйни супурса уйга меҳмон келади.
- Пиёладаги қойда шамма тик турса, уйга меҳмон келади.
- Жума кунини уйга меҳмон келса, хайр-барака олиб келади.
- Сафарга чиққан киши орқасидан уй супурилмайди: сафардан қайтмаслиги мумкин.
- Сафар ойда, айниқса унинг ўн учинчи кунига сафарга чиқилмайди.
- Кулга оёқ қўйилмайди ва унинг устидан ўтилмайди: кул жинларнинг маконидир.
- Кечаси сақич чайналмайди. Унда айтадилар: ўлик гўштини чайнапти.
- Дўст уйда сочинини тара, душман уйда тирноқ ол.
- Қўл билан оёқнинг тирноғини бир кунда олинмайди: шодлик ва ғам бирга келади.
- Меҳмон борида уй супурилмайди.
- Уйку олдиндан кўзгуга қараманг: ёмон тушлар кўрасиз.

Тўплаб нашрга тайёрловчи:
Аслидин КАМАРЗОДА
Самарқанд вилояти,
Шалғамон қишлоғи

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Кабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 34-25-46

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-
наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида
№ 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 741. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади — 30 000
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.
Расом — Набижон ХОЛМУРДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.